Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 19 июль
ПАЙШАНБА
№ 164 (4.957).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг

УСТАВИ

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ТАСДИҚЛАГАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — умумбашарий қадриятларга ва коммунистик юксак орзуга асосланган дастурий мақсадларни рўёбга чиқариш учун СССР фуқароларини ихтиёрийлик негизида бирлаштирувчи сиёсий ташкилотдир. У Маркс, Энгельс, Ленин ғояларини ижодий ривожлантириш, илғор ижтимоий тафаккур ютуқларидан фойдаланиб, байналмилалликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, мамлакатда инсонпарвар, демократик социализмни барпо этишни, инсоннинг эркин, ҳар томонлама камол топиши учун шароит таъминланишини ўз мақсади қилиб қўяди. КПСС ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг ва социалистик йўлга садоқатли бошқа ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, кўп миллатли совет жамиятининг инсоний ҳамжиҳатлиги ва жипслашувига интилаверади.

КПСС ўз ишини Программа ва Устав асосига қуради. Партия, унинг ҳамма ташкилотлари СССР Конституцияси, иттифоқдош, мухтор жумҳуриятларнинг Конституциялари ва совет қонунлари доирасида ишлайди.

I. Партия аъзолари, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари

1. 18 ёшга етган, партиянинг Программасини тан оладиган ва Уставини бажарадиган, унинг бошланғич ташкилотларидан бирида ишлайдиган ва партияни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлайдиган СССР фуқароси КПСС аъзоси бўлиши мумкин.

2. Партиянинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқлидир. КПСС аъзоси: партиянинг ички ва ташқи сиёсати, партия ички турмуши масалаларини ўртага қўйиш ва бемалол муҳокама қилиш, қарорларни ишлаб чиқишда қатнашиш, ўзининг ижтимоий фаолиятида партия ташкилотининг сиёсий мададидан ва ҳимоясидан фойдаланиш, партия органларига сайлаш ва сайланиш, шу органларнинг иши ҳақида ахборот олиб туриш, баҳо бериш, ҳар қандай партия органини ва ҳар қандай коммунистни танқид қилиш, ҳар қандай партия идорасига аризалар ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш,унинг таклифи ёки унинг фаолияти ёхуд хулқ-атвори тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганида партия органи ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Коммунист жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг фаолияти Конституцияга ва совет қонунларига мувофиқ қурилган бўлса, уларнинг ишида қатнашишга ҳақлидир. КПСС аъзоси бошқа партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3. КПСС аъзоси ўзининг сиёсий ва маданий савиясини ошириши, партия ғояларини тарғиб қилиш, унинг дастурий мақсадларига эришиш ва жамиятдаги пешқадамлик мавқеини таъминлаш учун курашиши, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаши, меҳнат жамоаларида ва аҳоли орасида КПССнинг сиёсий йўлини изчил ўтказиши, партия қарорларини бажариши, партия аъзолик бадалларини тўлаб туриши, меҳнатда ибрат бўлиши, қонунийликка ва жамоат ахлоқи қоидаларига риоя этиши лозим.

4. КПСС аъзолигига қабул партияга кирувчининг аризасига мувофиқ якка тартибда ўтказилади. КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши томонидан чиқарилади ва узилкесил ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилотининг қарори билан КПССга кирувчи учун бир йилгача синов муддати, шунингдек партия аъзоларидан икки кишининг кафиллиги белгилаб қўйилиши мумкин.

КПССда ягона партия билети амал қилади, партия аъзоларини ҳисоба олиш тартибини КПСС Марказий Комитети белгилаб беради.

Коммунист ўз хоҳишига кўра ва бошланғич ташкилотнинг розилиги билан иш жойида ёки истиқомат жойида партия ҳисобида туради.

Партияда камида 30 йил фаол ишлаган КПСС аъзосига бошланғич партия ташкилотининг қарори билан «КПСС ветерани» фахрий номи берилиши мумкин.

Башарти партия аъзоси сиҳат-саломатлигига ёки ёшига кўра партия турмушида тўла-тўкис қатнаша олмаса, бошланғич партия ташкилоти унинг шахсий аризаси асосида уни мунтазам ишдан ва аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилишга ҳақлидир.

5. Партия аъзоси КПСС Устави талабларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун КПСС аъзолигидан чиқарилиши оқибатида бошланғич партия ташкилоти томонидан ўз ташаббуси билан ёки юқори партия органининг таклифига кўра, КПССдаги аъзолик тўхтатилади.

Партия аъзосининг КПССдан ихтиёрий чиқиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ ҳам партиядаги аъзолик тўхатилади, бу ариза бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилади.

КПСС аъзолигига қабул қилиш пайтида ва партиядан ўчириш пайтида муайян ташкилот ҳисобида турган коммунистларнинг ярмидан кўпроғи қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда, бу қарор ҳақиқий деб ҳисобланади.

Партия интизомини ва ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузганлик учун партия аъзоларига нисбатан танбеҳ бериш ёки хайфсан эълон қилиш тарзида партиявий тарбия ва таъсир чоралари кўрилиши мумкин.

Партиядан чиқарилган ёки жазо олган киши партиянинг назорат органларига шикоят аризаси бериш ҳуқуқига эгадир. Шикоят аризаси шу ариза тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой муҳлатда кўриб чиқилади.

II. Партия ички демократияси

6. КПСС ғоявий бирлик ва партиявий ўртоқлик асосида, партия турмушида ўзини ўзи бошқаришни, партия билан айрим коммунистнинг манфаатларини бирга қўшишни, партиялилар оммасининг ҳокимиятини ва онгли интизомни таъминлайдиган демократик централизм қоидаси асосида яшайди ва ишлайди.

Партияда фикрларни изҳор этиш эркинлиги, турли қарашлар ва ҳаракат дастурларини таққослаш, рўй-рост танқид ва ўз-ўзини танқид таъминланади. Айрим ташкилотлар, умуман КПСС доирасида ижтимоий ва партиявий турмушнинг долзарб масалалари юзасидан мунозаралар ва референдумлар ўтказилиши мумкин. Улар раҳбар ва ижроия органларининг ташаббуси билан, шунингдек тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бирини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан ўтказилади.

7. КПССнинг бошланғич ташкилотлардан бошлаб барча ташкилотлари партиянинг сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашадилар. Улар ўзларининг ички турмуши ва фаолияти тузилишида мустақилдирлар. Уларнинг партия дастурий мақсадларига зид бўлмаган ҳамда КПСС Уставида бериб қўйилган ваколатлар доирасида қабул этилган қарорлари юқори органлар томонидан бекор қилиниши мумкин эмас, шахсий ишларга доир қарорлар бундан мустаснодир. Ихтилоф чиққан тақдирда шу органлардан ҳар бири баҳсли масалани ҳал этиш учун бошланғич партия ташкилотларига, бевосита коммунистларга мурожаат қилишга ёки референдум ўтказишга ҳақлидир.

8. Партия ташкилотлари ва партия органларининг иши субъективизмни ва яккаҳокимликни истисно қиладиган коллектив ва шахсий масъулият негизига қурилади.

Умумий йиғилиш, конференция, съезд — партиядаги раҳбар органлардир. Уларда партия ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпроғи, ҳисобот ва сайлов чоғида эса камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда улар ваколатли ҳисобланади. Партия раҳбар органлари ижроия органларини (бюро, комитетни) ва назорат органларини (назорат комиссиясини) сайлайдилар.

Партия органлари ишнинг асосий йўналишлари юзасидан доимий ёки муваққат комиссияларни ва ишчи гуруҳларни тузишлари мумкин, шунингдек улар фаолиятида коммунистлар ва бошқа фуқаролар қатнашувининг бошқа шаклларидан фойдаланадилар.

9. Партия ташкилотлари, сайлаб қўйилган органлари ошкора ишлайдилар, партия қарорларига мувофиқ партия йиғилишлари, конференциялари, съездларининг, ижроия ва назорат органлари мажлисларининг очиқ-ошкоралигини, уларда партия матбуоти иштирокини, ҳужжатларнинг лойиҳалари, стенограммалар, қабул этилган қарорлар ва бошқа материаллар матбуотда эълон қилинишини таъминлайдилар. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни ва юқори партия органларини ўз фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб турадилар. Коммунист ўз партия ташкилоти бюросининг ёки парткомининг мажлисларида ҳозир бўлишга ҳақлидир. Сайлаб қўйилган партия органининг аъзолари ўзларига бўйсунувчи органларнинг мажлисларига бемалол кира оладилар, шунингдек партия органи ва унинг аппарати ихтиёридаги ҳужжатлардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

10. Партиядаги раҳбар, ижроия ва назорат органлари сайлаб қўйилади, улар яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Овоз бериш учун рўйхатга исталганча номзод киритилади. Партия аъзолари сайлов пайтида номзодларни чекланмаган тарзда кўрсатиш, шу жумладан ўз номзодини ҳам кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Йиғилишда, конференцияда, съездда, партия комитетининг, назорат комиссиясининг пленумида қатнашган КПСС аъзолари овозларининг ярмидан кўпроғини олган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка, жумҳурият конференцияларига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг съездларига, КПСС Бутуниттифоқ конференциясига ва съездига делегатлар албатта бошланғич партия ташкилотларида номзодлар кўрсатилиб, қоида тариқасида коммунистларнинг партия округлари бўйича бевосита овоз бериши йўли билан сайланади.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

И. А. КАРИМОВнинг жумҳурият партия фаоллари билан учрашуви

● Жумҳуриятимизда КПСС XXVIII съезди делегатларининг меҳнаткашлар, жамоатчилик вакиллари билан учрашувлари бошланди. Илгари хабар қилинганидек, 17 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти, КПСС XXVIII съездининг делегати И. А. Каримов республика партия фаоллари билан учрашди. Бугун газетамизда унинг учрашувда сўзлаган нутқи қисқартириб эълон қилинмоқда.

— Учрашувимиздан кузатилган мақсад, — деди И. А. Каримов, — биз куни кеча КПСС XXVIII съездидан олган таассуротларни баҳам кўришдан, съездда рўй берган воқеалар ҳақида гапириб беришдан, сизларни Ўзбекистон Компартиясининг партия анжуманидаги делегацияси иши билан таништиришдан, съезд, у қабул қилган қарорлар муносабати билан дарҳол амалга ошириш лозим бўлган дастлабки ташкилий-сиёсий чора-тадбирлар ҳақида келишиб олишдан иборат.

Съезд ҳамиша ҳам партия ва ҳар бир коммунист турмушида муҳим, бетакрор воқеадир. Биз партия съездларига қанчалик ҳозирги кун нуқтаи-назардан ёндашмайлик, партиянинг ҳамма съездлари ҳам партия ва мамлакат турмушида ўзига хос из қолдирган. Бинобарин, ҳар бир софдил, масъулиятли, интизомли коммунист съездни катта аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеа деб билмоқда, ундан партия ва жамиятни ривожлантиришда янги фикрлар, янги ҳаракатлар қутмоқда, ўз қарашларини, ўз ишини мана шуларга қиёс қилмоқда.

Биз ўтмишдаги баъзи съездларни, айниқса, кейинги ўн йилликлардаги съездларни ҳозирги қайта қуриш нуқтаи назаридан баҳолаганимизда, уларнинг ҳаммаси ҳам турмуш талабларига мос бўлмаганлиги, замон даъватига жавоб бермаганлиги эса — бошқа гап. Мана шу ички номувофиқлик сиртдан дабдабалар, жимжимадор мақтов сўзлари билан безаб келинди.

Шу жиҳатдан олганда, КПССнинг XXVIII съезди аввалги съездлардан мутлақо фарқ қилди. Муҳокама қилинган муаммоларнинг муҳимлиги ва мураккаблиги, сиёсий қурашнинг жўшқинлиги, қабул этилган қарорларнинг аҳамияти жиҳатидан ҳозирги съездга ўхшаш съезд бўлган эмас.

Съезд ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бениҳоя мураккаб вазиятда ўтди. Турли минтақаларда ва жамият табақаларида сиёсий кескинликнинг аёвсиз нафаси, ижтимоий ва миллатлараро можароларнинг кескинлашганлиги, ишлаб чиқариш соҳасида ва истеъмол бозорида ишларнинг ахволи ёмонлашганлиги, жамиятдаги интизом ва тартиб бўшашиб кетганлиги Кремлнинг Съездлар саройи залида доимо сезилиб турди. Мана шуларнинг ҳаммаси инқироздан чиқиш йўлларини излаш, вазиятни барқарорлаштириш, ҳам яқин келажакдаги, ҳам олис истиқболдаги ривожланишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш учун ҳар бир делегат ва бутун съезд аҳли сезган ва ҳозир ҳам сезиб турган юксак даражадаги масъулият туйғусини белгилаб берди.

Съездда ҳукмронлик қилган ҳақиқий, рўй-ростлик, юз-хотирсиз танқид муҳитини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Делегатлар Сиёсий бюро аъзоларининг ҳам, Бош котибнинг ҳам, партия ва мамлакат бошқа раҳбарларининг ҳам фаолияти хусусида рўй-рост танқидий фикрларни айтдилар.

Сиёсий ҳисоботда ҳам, партия раҳбарияти аъзоларининг ҳисоботларида ҳам миллатлараро муносабат муаммоларига енгил-елпи, юзаки ёндашилганлиги съезднинг кўпгина қатнашчилари қатори Ўзбекистон Компартияси делегатларини ҳам жиддий равишда ташвишлантирди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботи юзасидан қабул қилинган резолюцияда (бунда бизнинг ҳам иштирокимиз бор) съезд қўйидагиларни ёзиб қўйганлиги бежиз эмас: «...Миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви партияни эсанкиратиб қўйди. Марказий Комитет низоларни бартараф этишда кўпинча ташаббусни ўз қўлига олмади, марказда ва жойларда чалакам-чатти тадбирлар кўрилишига муроса билан қаради. Янги Иттифоқ шартномасини тузиш чўзиб юборилди. ССР Иттифоқининг яхлитлиги ва мавжудлигининг ўзи хавф остида қолди».

Делегациямизнинг аъзолари бу мавзуда ўнлаб оғзаки ва ёзма сўровлар билан мурожаат этдилар.

Съездда вақти-вақти билан кучларнинг жойлашуви мураккаб, баъзан фавқулодда тус олди. Партия яхлитлигича қоладими ёки съезднинг ўзида бўлиниб кетадими, деган ҳақиқий хавф вужудга келди. Б. Н. Ельцин ва «Демократик платформа» раҳбарларидан бир гуруҳи КПССдан чиқиш борасида намойишкорона қилган ҳаракат съезднинг ўзида ҳам, дастлабки фикрларга қараганда, партия ташкилотларида ҳам унчалик катта шовшувга сабаб бўлгани йўқ.

Биз баъзан етарлича баҳо бермай келган қайта қуришга қарши консерватив кучларнинг хавфи ҳам съездда тўла-тўкис намоён бўлди.

Хуллас, съездда бениҳоя ўткир кураш авж олди. Кўпдан-кўп лойиҳалар, баёнотлар, ҳужжатлар, ўнлаб муқобил нусхалар қалашиб кетди, ана шуларнинг ҳаммасининг тагига етиш, ўз нуқтаи назаримизни ишлаб чиқиш ва таърифлаб бериш, мана шу нуқтаи назар учун чинакамига курашиш керак бўлди.

Ўзбекистон Компартиясининг 162 делегати ва таклиф этилган 10 киши съездга, илгари неча марталаб бўлганидек, илгаридан аппарат тайёрлаб қўйган қарорларни ўз овозлари билан муҳрлаш учун бормаганликларини яна бир бор таъкидлаш керак.

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик кўриш даврида Ўзбекистон Компартиясининг партия ташкилотлари ва комитетлари қилган катта, қизғин ташкилотчилик ва сиёсий иш делегатларимизнинг нуқтаи назарига ва фикрига таъсир қилди. Биз съездга қатъий белгилаб олинган ва ҳар томонлама асосланган фикрлар билан, равшан эътиқод ва мақсадлар билан, шу мақсадларга эришиш йўлидаги қийин курашга шай ҳолда бордик, илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди.

Бу ҳол кўп жиҳатдан делегациямиз аъзоларининг съезд бутун фаолиятида астойдил иштирок этишларини, унинг ишчи органларида кенг вакиллик қилганликларини белгилаб берди.

Шуни айтиш кифояки, съезд президиумида, секретариатида, таҳрир, мандат комиссияларида ва бошқа ишчи комиссияларида Ўзбекистондан 28 делегат қатнашди. Ялпи, секция мажлисларида, микрофонлар ёнида, ҳисоботларни, ҳужжатларни муҳокама қилишда ва саволлар бериш тартибида 20 дан кўпроқ киши сўзга чиқди.

Бугун биз съездда қилинган ишнинг моҳияти юзасидан сизларга ҳисоб берар эканмиз, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, биз КПСС XXVIII съезди делегатларига қаттиқ туриб ҳимоя қилишни топширган энг муҳим фикрларга яна бир бор тўхталишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Партиянинг бирлиги учун курашиш — бизга жумҳурият коммунистларининг съезди берган энг асосий топшириқ эди. Кимларнингдир ўз ғаразли манфаатларини ва сиёсий шахсиятпарастликларини деб партияни ўзаро курашувчи фракцияларга парчалаб юборишга йўл қўйманглар ёки партияни сиёсий ташкилотдан ўзига хос тарздаги мунозара клубига, у ёки бу сиёсий назарларни тарғиб қилувчи тарқоқ тўгараклар бирлашмасига айлантириб юборманглар, деган талаб билдирилган эди.

Айни вақтда биз **партияни демократиялаш**, партия ички муносабатларининг бутун тартибини демократиялаш нуқтаи назарида қаттиқ турибмиз. Қаттиққўл бюрократик централизм, аслида Ленининнинг партиявий ўртоқлик ғоясини пучайтирадиган поғонали тузумга қайтишга йўл қўймаслик фикрида қатъий турибмиз.

Биз жамиятни ва партиянинг ўзини ривожлантириш йўли хусусидаги **ақидапарастлик, қотиб қолганлик, ўзгармаслик фикрларидан воз кечиш** зарурлиги тўғрисидаги нуқтаи назарга астойдил амал қиляпмиз.

Мана шу нуқтаи назардан қайта қуришнинг сиёсий мақсадларини амалга оширишда жамиятнинг барча соғлом кучлари билан жипслашишга, тенг ҳуқуқли шерикчиликка интиляпмиз.

Жумҳурият партия анжумани делегатларининг Ўзбекистон Компартияси **мустақиллиги** хусусидаги топшириғи биз учун энг муҳим жиҳатлардан бири бўлди. Бизда КПССнинг территориал ташкилоти эмас, балки айни мустақил Компартиялар бўлиши керак. Съездда-ги нутқда бу позиция: «Муштарак Программа ва Уставга, Марказий Комитетга эга бўлган жумҳуриятлар Компартияларининг иттифоқи сифатидаги КПСС» иборасида ўз аксини топганини биласизлар.

Биз мустақиллик тушунчасини қандай тасаввур этаётганимизни бу ерда таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Бу — аввало:

— Компартия жумҳуриятнинг миллий-давлат тузилиши, ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий ва маънавий ривожланиши масалаларида ўзининг сиёсий нуқтаи назари ва дастурий мақсадларини мустақил белгилаб олишидан;

— Ўзбекистон Компартиясининг принципиал сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда жумҳурият тарихий, иқтисодий, нуфус хусусиятлари ва эҳтиёжларининг, жумҳурият халқи, унинг ҳудудида яшовчи ҳар бир киши манфаатлари ва орзу-умидларининг устунлигига эришишдан иборатдир. Шуни айтиш керакки, кўпгина бошқа жумҳуриятлар ҳам тахминан шундай мавқеда турибдилар.

Биз бу масалаларда муайян ҳамжиҳатликка эриша олдик. Биринчи бор иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросидаги тенг ҳуқуқли вакиллари таъминланганини биласизлар. Партия Уставининг 22-бандига бизнинг ҳуқуқларимизни кенгайтирадиган бир қанча ўзгартишлар киритилди. Компартияларнинг мустақил ҳуқуқ доирасига кирадиган масалаларни белгилаб берувчи қоидалар чиқариб ташланди.

Биз Совет Ўзбекистонининг **чинакам давлат мустақиллигини** таъминлаш соҳасидаги куч-ғайратлар шу сиёсатнинг энг муҳим жиҳати бўлиши лозим, деган қатъий нуқтаи назарга амал қилаяпмиз. Бу йўл Компартиянинг XXII съездида маъқулланган эди. Бу йўл ўзбек халқининг ва жумҳурият бутун аҳолисининг эзгу орзу-умидларига мос бўлиб тушади ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси қабул этган жумҳуриятнинг мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияда ўз ифодасини топган.

Бу Совет федерациясини тубдан янгилаш, уни унитар давлатдан **мустақил** давлатларнинг тенг ҳуқуқли Иттифоқига айлантириш йўлидаги табиий ва зарур қадамдир, тенг ҳуқуқли Иттифоқ эса қатъий ихтиёрийликка, ўзаро манфаатга, ўзининг миллий тақдирини ўзи белгилаш эркинлигига асосланади.

Бунда биз қандай қоидаларга амал қилдик?

Биринчидан, ҳар бир жумҳурият халқининг ўз миллий-давлат тузилишини, ўз ривожланиш йўлини, ўзининг иттифоқдош жумҳуриятлар билан ва бошқа давлатлар билан муносабатларини мустақил белгилашдан иборат дахлсиз ҳуқуқига асосландик.

Иккинчидан, сиёсий мустақиллик **иқтисодий мустақилликка** таяниши керак. Жумҳурият ўз ери, ерости бойликлари, корхоналарининг ва ўз ҳудудидаги ҳамма нарсаларнинг ҳоким мулкдори деб тан олиниши керак. Темир йўллар, сув ва ҳаво транспорти, алоқа воситалари, почта ва телеграф, мудофаа корхоналари, пул муомаласи, яъни жумҳуриятлар ихтиёрий равишда келишиб оладиган ва Иттифоқ шартномасида мустаҳкам белгилаб қўйиган нарсаларгина бундан мустасно бўлиши мумкин.

Учинчидан, жумҳуриятнинг сиёсий мустақиллиги жумҳурият халқининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши лозим. Бунда «халқ» тушунчасига миллатидан қатъи назар, жумҳуриятнинг барча фуқаролари табиий равишда кирадилар. Агар фуқароларнинг жипслиги, фуқароларнинг бирлиги бўлмаса, сиёсий мустақиллик ёки давлат мустақиллиги мустаҳкам бўлмайди. Кўп миллатли қардошлик оиласида жумҳуриятга номи қўйилган миллат белгиловчи роль ўйнайди, албатта. Айни вақтда халқчил, социалистик, мустақил жумҳурият миллатидан, мавқеидан, динидан ва шу кабилардан қатъи назар, ўзининг барча фуқаролари ҳуқуқларининг тенглигига таянмоғи керак.

Шубҳасиз, биз совет жумҳуриятлари ўз тақдирини ўзи белгилашнинг ҳар қандай шаклида ҳам уларнинг иқтисодий, ижтимоий, миллий-маданий соҳалардаги ўзаро алоқалари сўзсиз сақланиб қолишига ишонамиз. Шу сабабли шу йилнинг июнь ойида Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган учрашувни ва унда имзоланган ҳужжатларни жумҳуриятларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадам деб ҳисоблаймиз. Бошқа жумҳуриятлар ва минтақалар, Ленинград, Тюмень билан бевосита алоқаларимиз, вилоятлар, шаҳарлар ва районлар, корхоналар ва хўжаликлар даражасидаги мустақил шартномавий муносабатлар янада ривожланиши лозим.

Буларнинг ҳаммаси Иттифоқни янгилаш учун, уни **мустақил жумҳуриятларнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг** сифат жиҳатдан янги қоидалари асосида тузиш учун яхши замин яратади.

Яна бир масала: Иттифоқ шартномасига негиз қилиб олинниши лозим бўлган асосий қоидани биз бир неча бор таъкидлаб ўтдик — масала шу тарзда қўйилиши лозимки, жумҳуриятларни бирлаштирувчи федерацияни мустаҳкамлашдан биринчи навбатда жумҳуриятларнинг ўзлари сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлсин.

Биз КПСС съездига сўнгги вақтда ҳаддан ташқари кескин тус олган **миллатлараро муносабатлар** муаммоларини ҳал этиш йўлларини топиш зарурлигини аниқ тушунган ҳолда борган эдик.

(Давоми учинчи бетда).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг

У С Т А В И

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Партия комитетларини ва назорат органларини, конференцияларга ва съездларга делегатларни сайлаш тартибини тегишли партия комитети бошланғич, маҳаллий партия ташкилотларининг қарорлари асосида белгилаб беради.

Бошланғич партия ташкилотлари юқори партия органлари таркибига номзодлар юзасидан таклифлар киритишга ҳақлидирлар, бу номзодлар мазкур органларни тузадиган конференция, съездда кўриб чиқилади. Партия комитетлари, назорат комиссиялари қуйи ташкилотларнинг вакилларини бевосита делегат қилиб юбориш йўли билан ҳам сайланиши мумкин, мазкур қуйи ташкилотлар ўз вакилини чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

11. Партияда сайлаб қўйиладиган органларнинг райком ва ундан юқори даражадаги аъзолари сурункасига кўпи билан икки марта шу лавозимга сайланадилар. Партия аъзоси иккитадан ортиқ партия комитетида ёки назорат комиссиясида аъзо бўлиб туриши мумкин эмас. Партия ижроия ва назорат органларининг таркиби ўз вакилларидан муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки батамом қайта сайланиши мумкин. Масала тегишли ташкилот аъзоларидан камида учдан бирини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан ёки сайлаб қўйилган органнинг айрим ёки барча аъзоларининг ихтиёрий истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ кўриб чиқилади.

Барча поғоналардаги партия комитетларининг котиблари, назорат комиссияларининг раислари улар тегишли йиғилишларда, конференциялар ва съездларда шу органларнинг аъзолари этиб сайланган пайтнинг ўзида ёки делегатларнинг қарорига биноан, партия комитетлари ва назорат комиссияларининг пленумларида сайланадилар. Улар тегишли партия комитетига ёки назорат комиссиясига ҳисоб бериб турадилар, партия аппаратининг ташкилотидан бошқа ҳар қандай партия ташкилотининг ҳисобида турадилар.

12. Партия комитетлари ва назорат комиссиялари ўзларини тузган партия ташкилотларига ҳисоб бериб турадилар. Сайлаб қўйилган органнинг ҳар бир аъзоси ўз иши ҳақида уни сайлаган ёки тавсия қилган партия ташкилотлари олдида ҳисобот беради.

13. Қарорларни ишлаб чиқиш пайтида партия ташкилотлари ва уларнинг органлари ҳамма нуқтаи назарларни кўриб чиқишга мажбурдирлар. Кўпчилик қабул этган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаи назарини партия йиғилишларида, конференцияларда, съездларда, ижроия ва назорат органларининг мажлисларида, партиянинг оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, протоколларда ўз фикрини қайд эттириш, баҳсли масалалар ўз ташкилотида ёки юқори органларда қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия комитетларида ва назорат комиссияларида, уларнинг бюролари, президиумларида ихтилоф чиққан тақдирда қарор лойиҳаси тақрорий муҳокамага қўйилади ва камида учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан қабул этилади.

Съездлар, конференциялар, йиғилишларнинг қарорлари партия ташкилотлари учун мажбурийдир. Комитетлар ва бюролар қарорлари тайёрланаётган пайтда қайси партия ташкилотига тааллуқли бўлса, ўша ташкилотда муҳокама қилинади ва қабул этилганидан кейин ижро учун мажбурий ҳисобланади.

14. Партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари ўз вакилларидан давомида ўзига бўйсунадиган ишчи аппаратини тузади, бу аппарат асосан уларнинг фаолиятига ахборот-таҳлил, тахмин-социологик ва маслаҳат хизматини кўрсатади. Партия аппарати бошланғич партия ташкилотларининг тавсиясига мувофиқ тузилади. Партия аппаратининг ходимларига меҳнат қонунлари жорий этилади.

15. Партия ташкилотлари ва комитетлари ўз маблағларига ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда газета ва журналлар, бюллетенлар, ташвиқот, маълумот, ахборот материаллари ва бошқа материаллар нашр қилиш, тегишли редакцияларни тузиш, шунингдек телекўрсатув, радиоэшиттириш студияларини ташкил қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Партиянинг оммавий ахборот воситалари партия ташкилотлари ва комитетларининг органларидир, уларнинг раҳбарлари тегишли партия йиғилишида, конференциясида, съездида, партия комитетининг пленумида сайланади. Партиянинг марказий ахборот воситалари вилоят, ўлка, жумҳурият партия ташкилотининг талабига мувофиқ баёнот ва мурожаатномаларни, маҳаллий матбуот эса бошланғич ташкилотларнинг тегишли ҳужжатларини эълон қилишга мажбурдирлар.

III. Партиянинг ташкилий тузилиши

16. КПСС территориал-ишлаб чиқариш белгисига қараб тузилади. Бошланғич ташкилотлар партиянинг негизини ташкил этади, улар коммунистлар ишлайдиган ёки яшайдиган жойда тузилади ва территория бўйича бирлашади. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартияларига бирлашган район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия ташкилотлари ҳам партия таркибига киради.

Коммунистларнинг ташаббуси билан партия ташкилотлари котибларининг кенгашлари, партия клублари, назарий семинарлар, мунозара марказлари, кекса партия аъзоларининг кенгашлари ҳамда коммунистларни қизиқтирадиган масалалар ва муаммолар бўйича уларнинг бошқа шаклдаги бирлашмалари тузилиши ва ишлаши мумкин. Улар бошланғич партия ташкилотлари бўлмай, КПССнинг дастурий йўл-йўриқларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар ва улар юзасидан ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай поғонадаги партия комитетларининг муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритадилар.

КПССда ўз ички интизомига эга бўлган фракциялар тузилишига йўл қўйилмайди, бу коммунистларнинг мунозара чоғида ҳаракат дастурлари бўйича бирлашиш ҳуқуқини чекламайди.

ПАРТИЯНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

17. Бошланғич партия ташкилотлари КПССнинг камида уч аъзоси бўлган тақдирда, улар йиғилишининг қарори билан тузилади ва тегишли район, шаҳар партия комитети томонидан рўйхатга олинади.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида партия гуруҳларини ва цех ташкилотларини тузиши мумкин. Унинг қарорига мувофиқ партия гуруҳларига ва цех ташкилотларига КПССдаги аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич ташкилот ҳуқуқи берилиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятининг аниқ вазифалари ва шарт-шароитларини эътиборга олиб, партияга қабул қилиш ва КПССдаги аъзоликни тўхтатиш, ўз тузилишини, иш йўналиши ва усулларини, йиғилишлар, сиёсий тадбирлар ўтказиш даврийлиги ва тартибини, молиявий-хўжалик фаолиятини белгилаш масалаларини мустақил равишда ҳал қиладилар, совет ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатни йўлга қўядилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия қарорларини тарғиб қиладилар ва амалга оширадилар, меҳнат жамоаларида ва жойларда партиянинг мафкуравий, сиёсий ҳамда ташкилотчилик вазифаларини рўёбга чиқарадилар, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир ўтказадилар, ижтимоий адолатни қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия съездларини, конференцияларини, партия комитетларининг пленумларини тайёрлаш пайтида ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатини билдириш ҳуқуқига эгадирлар, мазкур партия органи масаланинг моҳияти юзасидан жавоб қайтаришга мажбурдир. Бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳисобида турадиган ёки ўзи шу органларга тавсия этган коммунистларни барча поғоналардаги партия органларининг таркибидан чақириб олиш тўғрисида таклиф киритишлари мумкин.

18. Кундалик ишни бошқариш учун бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши (конференцияси) икки-уч йил муддатга партия бюроси (комитети)ни ва унинг котибини, шунингдек коммунистларнинг фикрига кўра назорат (тафтиш) комиссиясини сайлайди. Ҳисобида 15 нафардан камроқ коммунист бўлган партия ташкилотларида йиғилиш белгилайдиган муддатда ва тартибда партия ташкилотининг котиби ва унинг ўринбосари, партия гуруҳларида — партия гуруҳи ташкилотчиси сайланади.

ПАРТИЯНИНГ РАЙОН, ШАҲАР, ОКРУГ, ВИЛОЯТ, ЎЛКА ВА МУХТОР ЖУМҲУРИЯТЛАРНИНГ ЖУМҲУРИЯТ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич ташкилотларни бевосита бирлаштирувчи район ва шаҳар партия ташкилотлари партиянинг таянч тузилма бўғинидир.

Район, шаҳар партия конференцияси беш йил муддатга район, шаҳар партия комитетини, шунингдек назорат комиссиясини сайлайди. Партия комитетининг қарорига, тегишли назорат комиссиясининг таклифига биноан ёки муайян ташкилот аъзоларидан камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ навбатдан ташқари партия конференцияси чақирилади.

Район, шаҳар партия комитети бошланғич ташкилотларнинг фикрини эътиборга олиб, ўз пленумида район, шаҳар партия комитетининг бюросини сайлайди.

Партиянинг район, шаҳар комитетлари коммунистлар ҳисобини юритади, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, улар билан биргаликда меҳнат жамоаларида ва фуқароларнинг истиқомат жойида партия сиёсати ва қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ишни ташкил этади, аниқ ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа муаммоларни жамоатчилик ва ҳокимият идоралари муҳокамасига қўяди, уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

20. Мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия ташкилотлари, ўлка, вилоят, округ партия ташкилотлари мухтор жумҳурият, ўлка, вилоят, округ худудида партия сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ишни ўтказадилар, ўзлари қабул этган қарорларнинг ҳамда юқори партия органлари қарорларининг ижро этилишини таъминлайдилар.

Мухтор жумҳуриятнинг жумҳурият партия конференцияси, ўлка, вилоят, округ партия конференцияси беш йил муддатга тегишли партия комитетини, шунингдек назорат комиссиясини сайлайди. Навбатдан ташқари конференциялар комитетнинг қарорига мувофиқ, назорат комиссиясининг таклифига ёки муайян ташкилот жами аъзоларидан камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади.

Заруратга қараб чақириладиган конференциялар, шунингдек партия комитетларининг пленумлари партия ташкилотларининг фикрларини эътиборга олиб, региондаги сиёсий, миллий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий-маънавий муаммоларни ҳал этиш дастурларини ишлаб чиқиб, давлат ҳокимияти идораларига ва аҳолига таклиф қиладилар. Шу конференция ва пленумларда партия ички турмуши, кадрлар билан ишлаш, партия ташкилотининг бюджети, ноширлик фаолияти масалалари кўриб чиқилади.

Мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия комитетлари, ўлка, вилоят, округ партия комитетлари пленумларда бюро сайлайдилар, ўз ташкилотининг тузилишини мустақил белгилайдилар, энг йирик бошланғич партия ташкилотларига КПСС аъзоларини ҳисобга олиш масалаларида район партия комитетлари ҳуқуқини берадилар.

21. Район, шаҳар, округ, вилоят ва ўлка, мухтор жумҳуриятнинг жумҳурият партия ташкилотлари назорат комиссияси комиссиясининг президиумини сайлайди. Назорат комиссиялари раҳбар органларнинг қарорлари ижросини кузатиб борадилар, коммунистларнинг партия интизомига ва ижтимоий ахлоқ қоидаларига риоя этиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қиладилар, партия аъзоларининг шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя этадилар, уларнинг шикоят-аризаларини кўриб чиқадилар, танқидни бўғишда ва суиистеъмолларда айбдор бўлганларни жавобгарликка тортадилар, партия бюджетининг ижросини ҳамда партия муассасаларининг хўжалик фаолиятини тафтиш қиладилар. Назорат комиссияси ўзини сайлаган органга ҳисоб беради, район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка ёки мухтор жумҳуриятнинг жумҳурият партия конференцияси тасдиқлаган низомга мувофиқ мустақил ишлайди.

ИТТИФОҚДОШ ЖУМҲУРИЯТЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ПАРТИЯЛАРИ

22. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Коммунистик партиялари мустақилдирлар. Улар КПССнинг энг муҳим дастурий ва Устав қоидалари негизида ўзларининг дастурий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқадилар, сиёсий, ташкилий, кадрлар, ноширлик, молиявий-хўжалик масалалари ва бошқа масалаларни ҳал қиладилар, жумҳуриятларнинг давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти соҳасида партиянинг йўлини ўтказадилар. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартиялари бошқа, шу жумладан хорижий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан алоқа қилиб турадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларига тааллуқли жиддий қарорлари уларнинг мухтор вакиллари иштирокида қараб чиқилади. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияси Марказий Комитети қабул қилинган қарорга қўшилмаган тақдирда бу қарорни ижро этиш учун қабул қилмай, низоли масалаларнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида ёки КПСС Марказий Комитети билан КПСС Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумида муҳокама этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

КПССНИНГ СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИ

23. СССР Қуролли Кучларидаги партия ташкилотларининг фаолияти КПСС Устави ҳамда умумармия партия конференцияси тақдимига биноан КПСС Марказий Комитети тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида қурилади.

СССР Қуролли Кучларидаги партиявий иш бошланғич партия ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган партия органлари орқали амалга оширилади. Улар ҳарбий жамоалар турмуши ва фаолиятига ўз таъсирларини армия коммунистлари орқали ўтказадилар, ҳарбий кенгашлар, командирлар, ҳарбий-сиёсий органлар, тегишли территориал партия ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда иш олиб борадилар. Умумармия партия конференцияси СССР Қуролли Кучларининг юқори партия органи бўлиб, у партия комитетини сайлайди.

Қуролли Кучларнинг коммунистлари территориал партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайлашлари ва сайланишлари мумкин. Район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка, жумҳуриятнинг партия конференцияларига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг съездларига делегатлар территориал партия комитетлари белгилайдиган ваколат нормалари асосида қўшин қисмлари ва бирлашмаларининг партия йиғилишларида ва конференцияларида сайланадилар.

КПСС съездига, Бутуниттифоқ ва умумармия партия конференциясига армия ва флот партия ташкилотларидан делегатлар сайлаш КПСС Уставига биноан ўтказилади.

Изоҳ. Давлат хавфсизлиги комитети қўшинларида, ички ва темир йўл қўшинларида партиявий иш Қуролли Кучларда бўлгани каби уюштирилади.

КПССНИНГ ЮҚОРИ ВА МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

24. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съезди унинг олий органидир. Навбатдаги съездлар КПСС Марказий Комитети томонидан ҳар беш йилда камида бир марта чақирилади. Марказий Комитетнинг съезд чақириш тўғрисидаги қарори, кун тартиби ва вакиллик нормаси съездга камида уч ой қолганида эълон қилинади. Марказий Комитет съезд муҳокамасига қўйиладиган асосий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳасини матбуотда эълон қилади.

КПССнинг навбатдан ташқари (фавқулодда) съезди Марказий Комитет томонидан ўз ташаббуси билан, КПСС Марказий назорат комиссиясининг таклифига кўра ёки коммунистлар умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг, шунингдек учта ва ундан кўп проқ иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартияларининг талабига мувофиқ чақирилади. Съезд икки ой муддат ичида чақирилади ва унда кўпчилик иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартияларининг вакиллари қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Марказий Комитет навбатдан ташқари (фавқулодда) съездни чақирмаган тақдирда уни ўтказишни талаб қилган ташкилотлар навбатдан ташқари (фавқулодда) съездни чақириш юзасидан партия Марказий Комитети ҳуқуқларига эга бўладиган ташкилий комитетни тузишлари мумкин.

25. КПСС съезди:

— Марказий Комитетнинг ва Марказий назорат комиссиясининг, съездда сайланадиган бошқа органлар ва шахсларнинг ҳисоботлари ва маърузаларини тинглайди, қарорлар қабул қилади ва уларнинг ишига баҳо беради;

— партия Программаси ва Уставини қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиради;

— партия қурилиши, мафкуравий фаолият, КПССнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида партия йўлини белгилаб беради;

— КПСС Марказий Комитетини ва Марказий назорат комиссиясини сайлайди;

— КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби ва унинг ўринбосарини сайлайди, айни вақтда уларни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари қилиб сайлайди;

— КПСС Марказий назорат комиссияси раисини сайлайди, айни вақтда уни КПСС Марказий назорат комиссияси таркибига ва Марказий назорат комиссияси президиуми таркибига киритади.

26. КПСС Марказий Комитети съездлар оралиғидаги даврда партия сиёсати ва амалий фаолиятининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун КПСС Бутуниттифоқ конференциясини чақиради.

Конференция КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг иши ҳақидаги ҳисоботларни тинглашга, уларнинг таркибини қисман (съездлар оралиғидаги даврда учдан бир қисмигача) қайта сайлашга, КПСС дастурий ҳужжатлари доирасида партия учун мажбурий бўлган бошқа қарорларни қабул қилишга, партия Уставига ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

27. Съездлар ва конференциялар оралиғидаги даврда КПСС Марказий Комитети:

— КПСС съездлари ва конференцияларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

— ички ва ташқи сиёсат мазмунига доир таклифларни ишлаб чиқиб, уларни СССР халқ депутатлари съездларига ва СССР Олий Советига киритади;

— Иттифоқ ваколатли органларида КПСС партия гуруҳлари (коммунистларнинг фракциялари) фаолиятини йўналтириб туради;

— КПССнинг кадрларга доир сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

— партия муассасаларини, корхоналарини тузади ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб туради;

— мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, чет эл партиялари билан алоқаларда КПСС номидан иш кўради.

28. Марказий Комитет Пленумлар оралиғидаги даврда сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини сайлайди, унинг неча кишидан иборат бўлишини КПСС Марказий Комитетининг Пленуми белгилайди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, унинг ўринбосари ва иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи котиблари кирадилар.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ишига КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби раҳбарлик қилади. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қарорларни ўз номидан партия ташкилотларига юборади. Сиёсий бюро энг муҳим сиёсий масалаларга доир қарорларни бошланғич партия ташкилотлари муҳокамасига қўяди ва сўнгра тасдиқлаш учун КПСС Марказий Комитети Пленумига ҳавола қилади.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили КПСС Марказий Комитети Пленумида ҳисобот бериб туради.

Марказий Комитет КПСС Марказий Комитетининг Секретариатини сайлайди, унинг ишига КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари раҳбарлик қилади. Секретариат партияда съездлар, конференциялар, Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси қарорлари ижросини ташкил қилади, КПСС Марказий Комитети аппарати ишини йўналтириб туради.

29. КПСС Марказий Комитетида унинг фаолиятидаги асосий йўналишлар юзасидан доимий комиссиялар тузилади. Улар КПСС Марказий Комитети Пленумида Марказий Комитет аъзоларидан, шунингдек маслаҳатчи сифатида тасдиқланадиган бошқа коммунистлардан тузилади. Комиссияларга КПСС Марказий Комитети котиблари бошчилик қиладилар.

30. КПСС Марказий назорат комиссияси ўз фаолиятида КПСС Уставига ва партия съездида тасдиқланадиган низомга амал қилади. У ўз пленумида президиум сайлайди.

31. КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий назорат комиссияси йилига камида икки марта ялпи мажлис, зарур ҳолларда эса қўшма мажлислар ўтказади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари КПСС Марказий назорат комиссияси пленумлари ишида, Марказий назорат комиссиясининг аъзолари эса КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

Партия аъзоси айни бир вақтда КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзоси бўла олмайди.

IV. Советлардаги, давлат органларидаги, жамоат бирлашмаларидаги коммунистлар

32. Партия ташкилотлари ва комитетлари давлат ва хўжалик органлари вазифалари аралаштириб юборилишига йўл қўймаган ҳолда уларда ишлаётган коммунистлар орқали партиянинг сиёсий йўлини ўтказадилар.

33. КПСС халқ депутатлари Советларига эркин сайловларда ва совет фуқаролари хоҳиш-иродасини ифодалашнинг бошқа шакллари орқали жамиятда сиёсий раҳбарлик мавқеи учун курашади. Партия ташкилотлари ўз сайловолди ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиб эълон қиладилар, халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш учун коммунистларни тавсия этадилар, уларга сайлов кампаниясини ташкил этишда ёрдам берадилар.

Партия ташкилотлари Конституция негизида ва унга мувофиқ равишда ҳаракат қилувчи бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва тузилмалар билан сайловолди битими тузиши, депутатликка улар кўрсатган ва КПСС аъзолари бўлмаган номзодларни қўллаб-қувватлаши мумкин.

34. Халқ депутатлари съездлари ва Советларининг сессияларида уларга сайланган коммунистлар Советларнинг ваколат даврида ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳамда сайловчилар хоҳиш-иродаси ва наказларини амалга ошириш учун партия гуруҳларига (коммунистларнинг фракцияларига) бирлаша оладилар. Советларда коммунистларнинг раҳбар партия органларидан мустақил бўлган, лекин КПСС номидан иш кўрадиган гуруҳлар ёки фракциялар тузишига йўл қўйилмайди.

Партия гуруҳлари (коммунистлар фракциялари) тегишли партия комитетлари билан ҳамжиҳат бўлиб, улардан ёрдам ва мадад оладилар, уларнинг қарорлари ва тавсияларини ҳисобга оладилар.

Жорий ишлар учун партия гуруҳлари (фракциялари) бюро ёки раис сайлашлари мумкин.

35. Партия демократия ва ижтимоий адолат тарафдори бўлган ижтимоий кучлар билан ҳамкорлик қилади. У касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар билан ўз муносабатларини сиёсий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, ўзгалар нуқтаи назарини ҳурмат қилиш асосида қуради.

Жамоат ташкилотлари чақирадиган съездлар ва конференцияларда Советлардаги гуруҳлар (фракцияларга) ўхшаш партия гуруҳлари (коммунистларнинг фракциялари) тузилиши мумкин.

36. Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшлар билан ишлашда ВЛКСМга таянадилар, социалистик йўлни қўллаб-қувватловчи бошқа ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладилар, уларнинг фаолиятига ҳар томонлама ёрдам берадилар, КПССнинг ёшларга доир сиёсатини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга уларни жалб қиладилар. Партия ва комсомол ташкилотларининг ўзаро муносабатлари сиёсий шериклик, ғоявий муштараклик, коммунистик ёшлар иттифоқининг ташкилий мустақиллигини тан олиш қоидаларига, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланиб қурилади. Партия ВЛКСМни ўз сафларини тўлдириш учун энг яқин резерв деб ҳисоблайди.

Ёшлар ташкилотлари сайлаб қўйиладиган органларининг аъзолари тегишли партия комитетларида ёшларга оид сиёсат масалалари кўриб чиқилаётганида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

37. Бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетлари коммунистларни ва партиясизларни давлат, хўжалик, ижтимоий фаолиятнинг аниқ участкаларига тавсия эта оладилар. Сиёсий усулларда иш олиб бориш уларнинг тегишли лавозимларга сайланишида ёки тайинланишида кўмаклашиб, уларга мадад кўрсатади, коммунистларнинг ишлари тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди, бунда чиқарилган хулосалар ва тавсияларни ошкор қилади.

V. КПССнинг пул маблағи ва мулки

38. КПСС ва унинг ташкилотлари фаолияти партия даромадлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техникавий ресурслар билан таъминланади.

КПССнинг пул маблағи партия аъзолик бадалларидан, нашриёт, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти даромадларидан, коммунистларнинг, айрим фуқароларнинг ихтиёрий бадалларидан ҳамда амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан таркиб топади.

Партия аъзолари учун ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадаллари қуйидаги миқдорда белгиланади:

даромад 70 сўмгача бўлганида — 10 тийин
71 сўмдан — 100 сўмгача — 20 тийин
101 сўмдан — 150 сўмгача — 30 тийин
151 сўмдан — 250 сўмгача — 1 фоиз
250 сўмдан ошганда — 2 фоиз

Ишлаётган коммунист пенсионерлар партия аъзолик бадалларини пенсиядан ва иш ҳақидан алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

39. КПСС бюджети, унинг тузилиши, унга маҳаллий партия ташкилотлари даромадларидан ажратмалар ва уларга дотацияларнинг миқдори, партия бюджетининг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот партия Марказий Комитетининг Пленумида тасдиқланади ва бундан коммунистлар хабардор қилинади.

КПСС Марказий назорат комиссияси, бошқа назорат органлари ҳаражати учун маблағ тегишли партия комитетлари ва назорат комиссияларининг қўшма пленумларида белгиланади.

Барча партия ташкилотлари ўз бюджетларини тасарруф қилишда, структура, штат, ишлаб чиқариш-хўжалик масалаларини ҳал этишда, вақтли нашрларни тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатишда мустақилдирлар. Бюджетлар ва уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботлар партия комитетларининг пленумларида тасдиқланади. Партия комитетларининг сиёсий иш манфаатларига зид келмайдиган фойда келтирувчи хўжалик фаолияти рағбатлантирилади.

40. КПСС мулки умумпартия бойлигидир. Иморатлар, иншоотлар, ускуналар, асбоб-анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасаларининг мулки, пул даромадлари, корхоналар, партия нашриётлари ва улар таркибига кирувчи вақтли нашрлар ва босмахоналар, шунингдек партия фаолияти учун зарур бўлган бошқа мулк КПСС мулкчилик ҳуқуқининг объектларидир.

Партия комитетлари партия ташкилотлари мулкини оператив бошқарадилар (эгалик қиладилар, фойдаланадилар, тасарруф қиладилар). КПСС Марказий Комитети, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари, жойлардаги партия комитетлари, шунингдек КПСС корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланадилар ва бу ҳуқуқларни ўз таркибидаги бўлинмаларга бера оладилар. Бошланғич партия ташкилотлари юридик шахс ҳуқуқларидан амалдаги қонунларга мувофиқ фойдаланишлари мумкин. Тушган аъзолик бадаллари маблағидан 50 фоизгача бўлган қисми бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлашга юборилади.

Партия ташкилотларининг молиявий фаолиятига, пул маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашга оид масалаларни ҳал этиш учун район, шаҳар партия комитетлари, райком ҳуқуқига эга бўлган партия комитетлари ҳузурида бошланғич партия ташкилотларининг котиблари иштирокида молия комиссиялари тузилади.

Маҳаллий партия комитетлари ва назорат комиссиялари партия бюджетининг аҳволи ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисида коммунистларни ҳар йили хабардор қилиб турадилар.

ИЛОВА

КПСС Устави асосида қуйидаги норматив-методик ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумида тасдиқланади:

КПССда сайлов ҳамда сайланган органлар таркибидан чақириб олиш тартиби тўғрисида йўл-йўриқ;

КПСС аъзоларини ҳисобга олиш ва партия статистикаси тўғрисида йўл-йўриқ;

партия ташкилотлари ва комитетларида иш юритиш тўғрисида йўл-йўриқ;

партия аъзолик бадалларини ҳисобга олиш ва партия ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятига доир йўл-йўриқ;

СССР Қуролли Кучларидаги партия ташкилотларининг иши тўғрисида йўл-йўриқ;

бошланғич партия ташкилоти котибининг мақоми тўғрисида Низом;

«КПСС Ветерани» тўғрисидаги Низом;

партияда референдумлар ва мунозаралар ўтказиш тўғрисида Низом.

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бунда биз шунга асосландикки, мамлакатимизда яшайдиган барча халқларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги — биз қадрлашимиз зарур бўлган энг асосий бойликдир. Чуқурлашиб бораётган миллатлараро зиддиятлар ва тўқнашувлар вайронагарчиликлар ва ғамғусса, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган қурбонлар ва маҳрумликлар келтиради. Баъзи жойларда миллий мумтозлик ва устунлик туйғуларининг уйғонаётганлиги юзлаб йиллар давомида таркиб топган миллатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик муносабатларига ҳалокатли таъсир қилади.

Унитар давлат шароитида вужудга келган тугунларни ва муаммоларни ҳал қилишнинг энг асосий, бош йўли — янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишни шошилинч равишда бошлаш эканлигига қатъиян ишонамиз.

Биз Ўзбекистон ССР иқтисодий тараққиёти даражасига **холис баҳо бериш** зарур деган мавқеда қаттиқ турибмиз. Жумҳуриятнинг кўпгина кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан орқада қолганлигига, аҳолининг қашшоқ аҳволига холис баҳо берилиши керак. Халқ хўжалиги комплексининг бир томонлама хом ашё етиштиришга қаратилган йўналишини бундан буён сақлаб қолиш мумкин эмаслигига асосланамиз. Биз бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида дастлабки шароитларни тенглаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли воситаларини вужудга келтириш учун курашмоқдамиз. Етиштирилган пахта, ипак, қоракўл тери, мева-сабзавотлар, территориямиздан қазиб чиқарилаётган олтин ва бошқа хом ашё ресурслари эвазига шунга яраша маҳсулот берилиши учун курашмоқдамиз.

Биз Ўзбекистон ташқи бозорга мустақил чиқиб жумҳуриятнинг, унда яшовчи аҳолининг манфаатларига мос келадиган ўзаро фойдали иқтисодий шартномалар тузадиган, чет мамлакатлар билан маданий ва маънавий алоқаларни ривожлантирадиган ҳамда мустаҳкамлайдиган мавқени қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдамиз. Шуни айтиш керакки, мана шу барча масалаларни съезд делегатлари ва Иттифоқ раҳбарияти тушуниб кутиб олди.

КПСС съездида **Орол ва Оролбўйи муаммолари юзасидан** ўз позициямизни ҳимоя қилиш учун кўп куч сарфлашга тўғри келди. Бунда делегатларимизнинг съезддаги нутқлари, Ўзбекистон вакилларининг М. С. Горбачев билан учрашуви муҳим ўрин тутди. Пировард натижада КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий маърузасига доир резолюцияда Орол ва Оролбўйи экологик фалокат ҳолатига тушиб қолгани тан олинишига эришилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон учун қўшимча сув ресурсларини излаб топиш масаласини кўриб чиқиш учун яна қайтиш сари силжиш юз берди.

КПСС Марказий органларида Компартиялар **вакиллигининг** норма қоидасини ҳимоя қилишга муваффақ бўлинди. Ўзбекистон Компартияси вакилларидан 19 киши КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ва 12 киши Марказий назорат комиссиясининг аъзоси этиб сайланди, жами 31 киши сайланди. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва Секретариати, КПСС Марказий назорат комиссиясининг президиуми таркибига биздан биттадан вакил сайланди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўзбек аёли, Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Гулчеҳра Турғунова КПСС Марказий Комитети Секретариатининг аъзоси этиб сайланди: КПССнинг сайлаб қўйиладиган марказий органларининг олдинги таркибида Компартиянинг ҳаммаси бўлиб 13 вакили бўлганлиги ҳисобга олинса бу ишонарли ютуқдир. Бу эса бизга партиянинг марказий органлари ишида фаол ва тўла ҳуқуқ билан иштирок этиш, уларда жумҳуриятимиз манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилиш учун яхши имконият беради.

Съезднинг деярли барча ҳужжатларини муҳокама қилиш чоғида кескин кураш давом этди, баъзан бир-бирига бутунлай қарама-қарши нуқтаи назарлар тўқнашди. Умуман съезднинг барча резолюциялари мазмуни жиҳатидан ҳам, уларда кўтарилган масалаларнинг хусусияти жиҳатидан ҳам олдин партия съездларида қабул қилинган дабдабали-расмий ҳужжатлардан сезиларли даражада фарқ қилади.

Бу гап аввало **Марказий Комитетнинг Сиёсий ҳисоботига доир резолюцияга** таллуқлидир. Унда жамиятнинг ҳозирги аҳволигагина эмас, қайта қуриш даврида КПСС Марказий Комитети йўл қўйган хатоларга ҳам ҳалол ва жуда тўғри баҳо беришга муваффақ бўлинди.

Съезд қабул қилган резолюцияларнинг оддий рўйхати ҳам қанчалик кенг миқёсдаги долзарб ва ўткир муаммолар партия олий анжуманининг диққат марказида турганлигини кўрсатмоқда. Аграр сиёсат ва бозорга муносабат, миллатлараро муносабатлар, таълим, фан ва маданият масалаларида, ёшлар муаммолари, партиянинг оммавий ахборот воситалари хусусида КПССнинг позицияси ана шулар жумласидандир. Шу ва бошқа бир қанча масалалар хусусида делегатларнинг уларни илгари бўлгани каби алоҳида ажратиб кўрсатиш эмас, балки съезд позициясини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳал этишнинг асосий йўлларини топиш муддаоси аниқ намоён бўлди.

Съезднинг асосий ҳужжатлари — Дастурий баёнот ва КПССнинг **янги Устави** алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар икки ҳужжат ўткир баҳсларга, фикрлар курашига сабаб бўлди, бу эса умуман коллектив фикрни жамлаш, музокаралар давомида айтилган барча амалий ва қимматли жиҳатларни шу ҳужжатларга киритиш имконини берди.

Съезднинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти Марказий Комитет қабул қилган Ҳаракат дастури лойиҳасидан баҳолар ва позицияларнинг ғоят аниқлиги билан ажралиб туради. Дастлабки бир қанча таърифларнинг зиддиятлилиги ва бўяб кетилганлиги, асосий ғоявий-назарий қоидалар талқинидаги мавҳумлик умуман бартараф этилди.

Мана шу дастурий ҳужжатда марксча-ленинча таълимотга, социалистик принциплар ва мақсадларга содиқликнинг тасдиқланганлиги катта мамнуният билан кутиб олинди. «Социализм» тушунчасига биз қандай мазмун бахш этаётганлигимиз аниқ таърифлаб берилган. Жамиятнинг ҳозирги аҳволи, сиёсий кучларнинг нисбати аниқ тавсифлаб берилган. Мамлакатни тангликдан олиб чиқиш йўли Иттифоқ шартномасини тезроқ янгилаш, иқтисодиётда қайта қуриш жараёнларини чуқурлаштириш, интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашни қатъиян кучайтириш орқали ўтиши тушунилишига эришилди.

Инсон сиёсатнинг бош объекти эканлигини, инсон ҳуқуқлари синфий, партиявий ва ўзга манфаатлардан устун туришини тан олиш инқилобий қайта қуриш диалектикасини англашда олга томон қўйилган катта қадам бўлди. Партия сиёсатининг устун йўналишларини белгилашдаги ғоят аниқликнинг, одамларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши масалалари, айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида асосий ўринга қўйилганлигининг боиси ҳам мана шунда.

Партияни тубдан янгилаш ва демократиялаш йўли КПССнинг янги Уставида қоидалар билан мустаҳкамлаб қўйилди. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг мақоми ҳамда КПССнинг марказий органларида уларнинг вакиллиги қоидалари тўғрисидаги, меҳнат жамоаларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, давлат муассасаларида партия ташкилотларининг бўлиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақидаги, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги масалалар юзасидан ғоят ўткир баҳслар бўлди.

Баъзи масалаларда, масалан, партия аъзолик бадаллари тўғрисидаги 38-модда юзасидан йирик саноат корхоналари партия ташкилотлари айрим котибларининг тор гуруҳ манфаатларини кўзловчи, ҳудбинлик кайфиятларига, улар аъзолик бадаллари миқдорининг камайтирилиши, масалан, ҳозирги вақтда бутун партиянинг жиддий моддий мададига муҳтож бўлган қишлоқ партия ташкилотларининг имкониятларини анча чеклаб қўйишини тушуниб етмасликлари билан тўқнашишга тўғри келди.

Пировард натижада соғлом фикр сиёсий шахсиятпарастлик ва митингбозликдан устун келди. Қабул қилинган КПСС Устави тўғрисидаги дастлабки таассуротларни айтадиган бўлсак (умуман бу ҳужжатни ҳали жиддий равишда идрок этиш керак), унинг қоидалари биз КПСС съездига тайёргарлик давомида Устав лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида ишлаб чиққан энг муҳим позицияларга асосан мос келишини кўрмаслик мумкин эмас.

Бевосита съезд таассуротларидан қандай хулосалар чиқариш мумкин? Биринчи навбатда нималарни кўрсатиб ва таъкидлаб ўтиш керак?

Биринчидан, съезд социалистик йўлга, Октябрь идеалларига, Маркс, Энгельс, Ленининг назарий меросига содиқлигини ғоят аниқ-равшан таъкидлади. У социалистик қурилиш назарияси ва амалиётига ижодий ёндашувни, умумбашарий тажрибани амалий идрок этишни ёқлаб чиқди.

Иккинчидан, съезд ғоят танқидий руҳда ва қизғин ўтганига қарамай, партиянинг жамиятимизни инқилобий қайта қуриш ва демократик янгилаш стратегик йўлининг тўғрилигини тасдиқлади.

Учинчидан, съезд қайта қуриш йўлининг ўзгармас эканлигини тасдиқлабгина қолмади, шу билан бирга партия ва халқ турмушининг барча йўналишлари ва ҳамма соҳаларида қайта қуришни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган кенг миқёсли қарорларни ишлаб чиқди.

Тўртинчидан, муайян кучлар партияни парчалаб юбориши тўғрисида жиддий хавфсирашларга ва онгли равишда ана шундай уринишларга қарамай, съезд партиянинг ташкилий ва ғоявий бирлигини сақлаб қолаолади. Съезд қарорлари партияни жипслаштириш, жамиятдаги барча соғлом қайта қуриш кучларини партия теварагида бирлаштириш, вазиятни барқарор этиш ҳамда умумий кучғайратларни бунёдкорлик, амалий вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш учун яхши замин яратади.

Тангликни бартараф этишга, маънавий-сиёсий вазиятни қатъиян соғломлаштиришга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ишларнинг аҳволини яхшилашга ҳамда шу асосда одамларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган жойларда олиб бориладиган айни шу амалий, аниқ-равшан ишлар съезд қарорларини амалга ошириш соҳасидаги энг муҳим, энг асосий ишдир.

Бир нарса биз учун равшан бўлиши керак, — деб таъкидлади пировардида И. А. Каримов, — Ўзбекистон Компартияси XXII съезди танлаган партия ва жамиятни янгилаш, Компартиянинг ва жумҳуриятнинг мустақиллигини таъминлаш йўли — тўғри ва асосли йўлдир, воқеаларнинг бориши ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам шуни ишонарли тарзда тасдиқламоқда.

Олдинда катта ишлар кутмоқда. Лекин ўйлаб ўтиришга вақтимиз йўқ, тарихнинг ўзи ўйлаб ўтиришга вақт ажратмаган. Ҳозирнинг ўзидаёқ, бугуноқ барча соғлом кучларни сафарбар этиб, вазифалар ва тўпланиб қолган муаммолар ҳал қилинишини таъминлаш, одамлар турмуши чинакам яхшиланишига эришиш зарур. Фақат шу йўл билангина омма орасида партиянинг обрўсини ва таъсирини мустаҳкамлаш, бинобарин, КПСС XXVIII съезди қарорларининг кучи ва ҳаётийлигини таъминлаш мумкин.

Мухбир минбари

ОРОЛ ЯШАШИ КЕРАК!

Яқинда мен Оролбўйнинг ҳад-ҳудудсиз кенгликларида бўлдим. Жабрдийда денгиз Аврол қуғунига тушиб ҳалок бўлаяпти, азоб чекмоқда, у билан бирга яқин-яқинларда гуллаб-яшнаб турган воҳа ҳам қурримоқда. Усимлик ва ҳайвонот дунёси тамомила қирилиб кетиш арафасида. Илгари дов-дарахт, ўт-ўланларга, турли-туман жониворларга бой бўлган денгиз соҳили минтақаси ўрнида эндиликда ҳаётдан ном-нишон қолмаган нккн миллион гектардан иборат қум-шўрҳок саҳро ястанган. Балиқчилик колхозларидаги уйлар эгасиз ҳувиллаб қолган, чекниб бораётган сув сатҳидан бир неча ўн минг километр нарида қайиқлару кемалар қум тепаликлари қўйнида занглаб ётибди. Енгил шабада турса ҳам ҳавога майда туз чанги кўтарилади — ундан нафасингиз қисилади, томоғингизга аллақандай аламли нарса тиқилади. Қаёққа қараманг: шип-шийдам бўшлиқ.

Бир неча йил муқаддам Қорақалпоғистон ва Оролбўйини ривожлантиришга доир ҳаммага маълум иккита иттифоқ қарори қабул қилинган эди. Ўша ҳужжатлар етилган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларнинг ҳал этилишини бироз тезлаштирди. Ончагина ишлар қилинди, энг аввало аҳолини ичимли сув билан таъминлаш соҳасида ўзгариш содир бўлди. Туямўйин-Нукус. Тахтакўпир сув йўлининг биринчи навбатини фойдаланишга топшириш юзасидан тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ҳозирги пайтдаги сувни чучуклаштирадиган 112 та қурилма қаторига бу йил яна 118 таси қўшилади. Бироқ ҳаёт тўхтаб турмайди. Мазкур минтақадаги вазият тобора ёмонлашмоқда.

Бу ерда бўлиб одамларнинг турмуш шароитини кўрганингда юрагингда саничқ туради: увада уйлар, поли лойдан суваган мактаблар, газсиз, иссиқ сувсиз мактаблар... Баъзи жойларда эса умуман ҳеч нарса — касалхона ҳам, поликлиника ҳам йўқ. Оролбўйи минтақасидаги кўпгина жойларда санитарияга зид ҳолат ҳукмрон, тоза ичимли сув аниқнинг ўрни. Аҳолининг ярмига яқини қудуқ ва ариқ сувини ичаяпти. Водопровод иншоотларининг аксарият қисми қониқарсиз аҳволда.

Тўғри, аҳолини тоза сув билан таъминлаш юзасидан улуғвор режалар белгиланган, аммо улар ниҳоятда суст бажарилаяпти. Масалан, Туямўйин—Урганч сув йўлининг биринчи навбатини ишга тушириш лойиҳада қусурлар кўплиги, қурилиш ишларининг сифати пастлиги сабабли чўзилиб кетмоқда. Қорақалпоғистонда икки йил мобайнида сувни чучуклаштирадиган 220 та қурилма ўрнатиш кўзда тутилган, бироқ белгиланган муддатлар ўтиб кетмоқда.

Минтақада яшаётганларнинг ўзлари ярага туз сепишаяпти, дейиш мумкин. Агросаноат мутахассислари заҳарли дориларни мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан анча кўп ишлатишмоқда. Омборлар ва заҳар қабрларида кўп йиллардан буён фойдаланилган ҳамда қўлланишга ман этилган мингларча тонна оғули дорилар сақланаяпти. Бундай «ёнма-ён яшаш»дан одамлар жабр тортишаяпти — касалланиш тинмай ўсмоқда. Ўткир ичак касалликлари даражаси иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан 2—3 баравар юқори. Яқинда экологик офат минтақасида умумий диспансерлаш ўтказилди. Унинг натижалари энг ташвишли тахминларни ҳам тасдиқлади — Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Тошховуз ва Қизил Урда вилоятлари 70 фоиз аҳолисининг сиҳат-саломатлигида жиддий чекинишлар борлиги маълум бўлди.

— Орол ва унинг атрофидаги минтақа бўйича чиқарилган қарорларда белгиланган чоралар эндиликда камлик қилади, — дейди Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи котиби С. Ниетуллаев. — Бунинг устига ўша тадбирлар ҳам тўлиқ бажарилмаяпти. Бир қатор министрликлар ва идоралар мухтор жумҳурият талаб-эҳтиёжларига ҳамон беписанд қарамоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукуматининг бизнинг минтақамизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қарорнинг кўпгина моддалари адо этилгани йўқ. Икки йил муқаддам Ўзбекистон ССР Олий Советнинг Орол муаммолари бўйича депутатлар гуруҳи ишга киришган эди. Аввалига бу гуруҳ ўлкамизда сезиларли из қолдирди. Кейинги пайтда эса ўз фаолиятини бирданига тўхтатиб қўйди. Жуда афсусланамиз, холос. Оролбўйидаги табиий яшаш муҳитини тиклаш билан минтақани ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишни чегаралаб олиш керак, деб ўйлаймиз. Оролнинг келажаги, шубҳасиз, махсус туб ечимлар топишни талаб этади. Айни пайтда Ўзбекистон халқ хўжалиги системасида экологик офат марказида қолган Қорақалпоғистон тегишли низомга эга бўлган алоҳида иқтисодий минтақа сифатида ажратиб қўйилиши лозим.

...Халқда «Кулфатнинг бегонаси бўлмайди» деган ажойиб нақл бор. Оролда вужудга келган аҳвол — умуммиллий экологик муаммо. Уни ҳозироқ ҳал этиш лозим. Ҳа, ҳукуматимиз бюджетида кемтик жойлар кўп. Бироқ Орол яшаши керак! Бизнинг айбимиз билан катта кулфат гирдобида қолган одамлар ва шаҳарларга, денгизлар ва дарёларга тездан ёрдам қўлини чўзишимиз шарт.

Виктор АРТЕМЕНКО.
Ўзбекистон ССР.
(«Правда», 1990 йил 18 июль).

ДАЛАЛАР НАФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН

Қўрғонбой Ойбобоев 24 йилдирки, Ғафур Ғулом номли колхознинг А. Раҳимов бошлиқ бригадасида сувчилик касбини ардоқлаб келмоқда. Ўтган даврда бу миришкор пахтачиликнинг юксалишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш билан биргаликда кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозир улар устозга камарбаста.

— Эгатга сув тараш билан иш битмайди, — дейди Қўрғонбой ака. — Муродга етаман деган сувчи оби ҳаёт билан бирга қадам ташлаши, ҳар туп ғўза билан тиллашиши керак.

Р. ҲАМИДОВ.

АМУДАРЁ

«Коммунизм» колхози деҳқонлари бу йил 1232 гектар майдонда ғўза парваришлашаяпти. Ният қутлуғ: давлатга 3.400 тонна оқ олтин сотиш. Ҳозир қайси бригада пайкалларида бўлманг, иш ана шу юксак маррага яраша ташкил этилганининг гувоҳи бўласиз. Ғўза парваришига 26 та культиватор ва 400 нафардан зиёд колхозчи сафарбар этилган. Мусобақа намунали уюштирилгани, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилаётгани туфайли суръатга суръат қўшилаётир. Механизаторлар Оқлон Собиров, Абдураҳим Турсунбоев, Нурилла Холлиев, Худоёр Эшмуродовнинг ҳар бири кунига 6—7 гектар майдонни сифатли культивация қилмоқда. Тўлғаной Қурбонбоева, Гуландом Йўлдошева, Меҳрибон Эшназарова, Шукуржон Отамуродова каби колхозчилар эса ниҳолларни бегона ўт босишига йўл қўйишмаяпти.

Х. ОТАМУРОДОВ.

ҒИЖДУВОН

«Июль— ғўза парваришида ҳал қилувчи палла!» — Энгельс номли колхоз пахтакорлари ана шу шиор остида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айниқса Т. Жўраев, Ҳ. Ҳамидов, С. Муқимов, М. Рашидов бошлиқ бригадаларда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу жамоаларда ҳозирга қадар ниҳолларга беш марта ишлов берилди. Суғоришда эса «шарбат» усули кенг қўлланилмоқда. Беллашувда С. Шарипов, О. Ҳасанов, Я. Нусратов, Ж. Отаев, Ҳ. Қўзиев каби механизатор ва сувчилар байроқдор.

Р. КОМИЛОВ.



ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ МУАММОЛАРИ

Йил бошида Тўрақўрғон райони раҳбарлари кенгаш ўтказиш учун намунавий деҳқон хўжалиги билан қизиқиб қолдилар. Ниҳоят, «Шарқ юлдузи» колхози танланди.

Хўжалик бошқаруви раиси Сотиболди Ғаффоров колхозчи Валижон Обидовга шундай деди:

— Сенга ўн сотих ер, сигир сотиб олиш учун 15 минг сўм берамиз. Молхона қуриш учун ҳам пул ажратамиз, озуқа билан таъминлаймиз. Молларни парваришлаб, колхозга топширасан. Бу жуда қулай, айни пайтда сердаромад иш.

Валижон рози бўлди. Фақат кимга фойдали эканлигини раисдан сўрашга ийманди. Бу ишнинг асосий қийинчилигини дарҳол тушунди, яъни озуқа муаммоси бор эди. Хўжалик керак бўладиган емишнинг ярминигина сотади. Етарлича хашак бера олмайди, имконият йўқ. 10 сотих жойда нима ҳам етиштириб бўларди?

Район агросаноат уюшмасига илтимос билан борди. Раис Одилхон Хўжаев унинг гапларини шошилмай тингилади.

— Йил бошидан бери райониа 45 та деҳқон хўжалиги тузилди, — деди у. — Кўриб турибсизки, фақат сизлар эмас, бошқалар ҳам шу муаммога дуч келишаяпти. Тўғри, сутчиликка ихтисослашган жамоаларда бу бир мунча осон, лекин бўрдоқичиликда мушкул. Чунки уларга кўпроқ озуқа керак. Областдан деҳқон хўжаликлари учун емиш ажратилишига эришиш лозим. Чунки ўз кучимиз билан жамғариладиган озуқа ҳатто жамоат чорвачилигига етмайди.

Бунинг асосий сабаби — ҳамма жойда бўлгани сингари узоқ вақт пахта якка-ҳокимлиги ҳукм сургани. Тўғри, кейинги пайтларда бир мунча ўзгаришлар бўлди. Ҳозир район бўйича жами ҳайдаладиган майдонларнинг 72 фоизида ғўза ўстирилмоқда. Қолган пайкалларда озуқа, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилаяпти. Бинобарин, пахта майдонлари анча қисқармоқда. Шу йилнинг ўзида район аҳолисига якка тартибда уй-жой қурилиши ва томорқа учун 1.707 гектар ажратилди. Бу борада ишлар давом эттирилмоқда. Талабни қондиришга яна тахминан 1.500 гектар ер керак. Демак, деҳқон хўжаликлари учун озуқа етиштириладиган қўшимча экинзор ажратишнинг имкони йўқ.

Хўш, ем-хашак базаси бўлмаса, деҳқон хўжалиги ташкил этишдан мақсад нима? Ёки фақат семинар-кенгаш ўтказиш учун керакми? Бунақада қайси тажрибани ўрганиш мумкин?

Нима бўланда ҳам улар рўй берган аҳволдан қутулиш йўлини топишлари мумкин эди. Лекин бунинг учун ўстирилаётган молларнинг камида 30 фоизини бериш керак. Шунда Валижон ака ва шериклари мол ёки гўштни бозорга чиқариб сотишади ҳамда тушган пулга қўшимча озуқа топишарди. Эҳтимол, ўз чўнтакларига ҳам озми-кўпми пул қолади.

Ҳозирча В. Обидов бозордан 12 бош сигир харид қилиб, боқаяпти. Бугунгача колхозга 3.600 килограмм гўшт (тириқ вазнда) ҳар килограмми 2 сўм 88 тийиндан топширилди. Ҳолбуки, унинг килограммини бозорда 3 сўм 50 тийиндан сотиш мумкин эди. Валижон ака биргина шундан кам деганда 2 минг сўм йўқотди.

Э. ИСМОИЛОВ.

СУРАТДА: Валижон Обидов (ўнгда) колхоз бош зоотехниги Рустам Қурбонов билан баҳслашмоқда.

А. КОВТУН олган сурат.

(ЎзТАГ).

Меҳнаткашлар хати «Қишлоқ ҳақиқати» назоратида

ЧОРА КЎРИЛДИ

Чиноз районидаги айрим мансабдор шахсларнинг енгил автомашина, турар жой таҳсимотидаги суиистеъмолчиликлари, кооперативлар фаолиятидаги қонунга хилофликлар ҳақида А. Мирахмедовнинг редакцияга ёзган шикояти атрофлича ўрганиб чиқилди. Текширишда енгил автомашиналар ажратиш тартиби бузилганлиги тасдиқланди. Уларнинг маълум қисми Чиноз район партия комитети партия комиссияси ва халқ депутатлари Тошкент область Кенгаши ижроия комитети томонидан ўтказилган текширишларда ҳам аниқланган эди.

Енгил автомашиналар айрим ҳолларда район чегарасида яшамайдиган ва ишламайдиган шахсларга ажратилган. Натижада ижтимоий адолат принципларининг бузилишига йўл қўйилган.

Енгил автомашина тақсимоти район ижроком раиси ўринбосари Т. Эргашевга тўла топшириб қўйилган. Ижроком раиси Э. Собиров томонидан у назорат этилмаган. Халқ депутатлари район Кенгаши ижроия комитети автомашиналар ажрата туриб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топширилганлиги ҳақида ҳужжат олиб келган кишиларнинг амалда чорва моллари боққан-боқмаганлигини аниқламаган. Танлов йўли билан ўтказилган текшириш улардан 8 нафари қорамолларни бозордан ҳарид қилиб топширганлигини кўрсатди.

1987—1988 йиллар давомида районда яшамайдиган 3 кишига «Нива-2121» маркали енгил автомашина ажратилган. Э. Собиров ва Т. Эргашевларнинг изоҳларига қараганда, юқориндаги маркали автомашинага район аҳли томонидан талаб бўлмаган.

Район ижроия комитетининг 1987 йил 28 октябрдаги қарорига асосан тузилган 5 кишидан иборат машиналар тақсимоти билан шуғулланувчи комиссия амалда фаолият кўрсатмаган.

Шикоятчининг мансабдор шахслар томонидан енгил автомашина ажратишда таъмагирлик қилганликлари ҳақидаги даъволари тасдиқланмади.

Баён қилинган қоидага хилоф ҳаракатлар ҳақида район прокурори томонидан Чиноз район партия комитетига ахборот киритилди. Бу масала бюро мажлисида кўриб чиқилиб, йўл қўйган камчиликлари учун район ижроия комитети раиси Э. Собировга ҳайфсан берилган. Район ижроия комитети раис ўринбосари М. Давронов партиявий жавобгарликка тортилди. Т. Эргашевга эса шахсий ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Ҳозирги вақтда номлари тилга олинган ходимлар район ижроия комитетида ишламайдилар.

Текширишда кооперативлар ҳаракатидаги қонунбузарлик ҳолатлари ҳам аниқланди. Жумладан, 1989 йил давомида улар томонидан 16 та жиноят содир этилган, 56 минг сўм давлат маблағи ўзлаштирилган. Етказилган зарарнинг ҳаммаси тергов органлари томонидан давлатга қайтартирилган.

Шикоятда тилга олинган «Рассвет» кооперативи раиси А. Абиев томонидан ҳақиқатан ҳам Чиноз деҳқончилик саноати банки бўлимидан 42 минг сўм қарз олиниб, уни мақсадга номувофиқ ҳолда сарфлаш ҳолати содир этилган. Ҳозир унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш белгиланган.

«Коопзаготсбит» бирлашмасига эса 1989 йил давомида 15 та эътироз ҳати тушиб, сифатсиз маҳсулот топширганлиги учун ундан 2343 сўм маблағ ундириб олинган. Район прокурори томонидан 1990 йил 17 апрель куни етказилган мазкур зарарни бевосита айбдорлардан ундириш ҳақидаги масала ўртага қўйилиб тақдимнома киритилди.

Тилга олинган масалалар бўйича текшириш ўтказиб ижтимоий адолатни қарор топтириш, айбдор шахсларни қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда. Бироқ ҳозирча текширилган лавозимдор шахсларнинг ҳаракатида жиноят қонунлари мажмуасида кўзда тутилган ижтимоий хавфли ҳаракатлар аниқланмади. Шунинг учун область прокуратураси уларга нисбатан қўлланилган маъмурий, партиявий ва интизомий чораларни қониқарли деб топди.

А. МАННОНОВ,
Тошкент область прокурори,
3-класс давлат адлия маслаҳатчиси.

Иқтисодий ислоҳот амалда

ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

«Узагротрансспецстрой-2» трестининг 407-махсус механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари Нарпай райони қурилиш ташкилотлари ўртасида биринчилардан бўлиб хўжалик ҳисобини жорий этган ва салмоқли натижаларга эришиб, дадил одим ташлаётган жамоалардан биридир.

Инсон аввало ўз фазилатлари, у ёки бу ишга қобилияти, салоҳияти билан эл эътиборини қозонади. Мўйдин Раҳимов ўрта мактабни битириб, Тошкент политехника институтининг саноат ва граждан қурилиши факультетининг кечки бўлимида таҳсил кўриш билан бирга «Главташкентстрой»да оддий қурувчи бўлиб меҳнат қилди. Билимини амалиёт билан боғлади. У ўз қишлоғида хўжаликлараро кўчма қурилиш колоннасида участка мастери, прораб, кейинчалик бош инженер бўлиб ишлади. Кўп ўтмай уни 407-махсус механизациялашган кўчма колоннаси бош инженерлигига тайинлашди. Кейинроқ колонна бошлиғи лавозимига сайланди...

Тез орада ташкилот ўзини-ўзи, маблағ билан таъминлашга — хўжалик ҳисобида ишлашга ўтди. Ўтган йили колоннада бир миллион 869 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Съездлар йилида колонна бунёдкорлари бир миллион 850 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни режалаштирганлар. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида пландаги 463 минг ўрнига, 525 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, бу бораданги план 113,4 фоизга ўринлатилди.

— Хўжалик ҳисоби натижаларидан коллектив мамнун, — дейди колонна бошлиғи М. Раҳимов. — Айни пайтда ишчи-хизматчиларнинг ойлик-маошлари кўзда тутилган 220 сўм ўрнига 345 сўмни ташкил этаяпти. Бултур ташкилотимиз бўйича 537 минг сўмлик фойда олиш мўлжалланган эди. Ўзўзини бошқариш ва ўзинўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш тутиб қурилиш материалларини тежаб сарфлаганимиз, асфальт ишлаб чиқаришдаги хўжасизлик ва технологиядаги палапартишликка қатъиян чек қўйганимиз учун ҳам 736 минг сўм фойда олдик. Унинг 452 минг сўми ишчиларга маош сифатида тарқатилди.

Колонна бунёдкорлари шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхозда 600 ўринли клуб, «Пахтакор» колхозида 140 ўринли болалар боғчаси. Хатирчи райони марказида дорихона, ҳаммом, Ленин номли колхозда эса 1034 ўринли мактаб, Оқтош дон маҳсулотлари комбинатидагилар учун бир қатор турар-жой бинолари қуриб фойдаланишга топширдилар.

Колоннанинг З. Тўхтаев, Ф. Сафаров, Т. Абдураҳмонов, Пахтачи райони участкасидан И. Шовқиев, М. Қораев, М. Қаюмов сингари пешқадам қурувчилари ўз меҳнатлари билан эл олқишига сазовор бўлишмоқда.

Инсон моддий неъматлар ижодкори. Уни мўл ва сифатли яратиш учун эса етарли шароит бўлиши керак, Кўчма колонна маъмурияти, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари масаланинг ана шу томонига алоҳида эътибор бераётир. Бу ерда ишчилар ошхонаси, дам олиш жойлари бор. Ҳар бир қурувчига моддий ёрдам бериш учун фонд уюштирилган. Меҳнат отпускаси пайтида эса ишчиларнинг ойлик маоши ва разрядига қараб 100 сўмдан 180 сўмгача моддий ёрдам берилмоқда. Уларнинг фарзандлари мактабга боргач, 100 сўмдан 300 сўмгача ёрдам пули ажратилади.

Раҳбарият қурувчиларни уй-жой билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор бермоқда. Ўтган йили ишчилар учун Оқтош шаҳрида 16 квартирали турар-жой бинои қуриб фойдаланишга топширилди. Яқинда эса қурувчиларнинг фарзандларига 90 ўринли болалар боғчаси лойиҳаси учун буюртма берилди. Бу ютуқларнинг барчаси янгича бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг шарофатидир.

Р. ХУДОЙҚУЛОВ.

БЕҒУБОР ОНЛАР

Икки ака ва сингил
Ўйнар, ором олар дил.
Далалардан, боғлардан,
Кўк майса, ўтлоқлардан
Яйраб-яйраб чопишар,
Зўр хазина топишар:
Унинг отн аҳиллик,
Эмасдир ҳеч бахиллик.
Уларни дилдан ҳушлаб
Сув сатҳида оққушлар —
Гўёки уч ботирлар
Табрик қилаётирлар.

Ҳ. МАҲАМАТҚУЛОВ
олган суратлар.

Назм дафтаридан

УГИТ

Ошимни ҳўп ошадим,
Ешимни ҳўп яшадим,
Қўҳна тупроқ кўксига
Қутлуғ одим ташладим.
Умр талатўп экан,
Қароғимгда чўп экан,
Билганимгдан, алқисса,
Билмаганинг кўп экан...
Қараб юргин кўзимга,
Эҳтиёт бўл сўзимга,
Меҳнат қилмай еганинг
Дард бўлмасин ўзимга!..

БУҒДОЙЗОРДА

Қирғоғи йўқ тилларанг
денгиз —
Таъзим айлаб соллануур
тенгсиз.
Ҳар чўг бошоқ —зарварақ
достон,
Бир достонки, айтурга осон!..
Зич поялар
Зил юкидан
Ҳансирайди боз:
Бугдойзорда куйманади
Чўнг ўроқчи — Ёзи..
Зотан, қувончлардан олам
Қилганда торлиқ
Аламларни ўз ичинга ют.
Бугдойзорда ҳайқирар
Борлиқ,
Бугдойзордан секин ўт!
Нур тўлқинда қалқир ҳас
чайла,
Ҳей, биродар,
Гумонларни бартараф айла.
Бошоқ монанд тўлишган
онда
Тўкилмасин юракдан қўрим:
Умримизнинг ғаллазорида
Бошланмасин эртаги ўримі..

Нормурод НОРҚУЛ.

ҲАССА

Уқиш дедим, ўқийман дедим,
Бу ҳаётнинг турфа ҳислатин.
Мен отамдан йироқлаб
кетдим,
Олисдардан толе изладим.
Йиллар билан етаклашганча
Ҳеч гуноҳсиз авлиё сифат,
Босиб ўтдим йўлларин қанча,
Бир ҳикматни унутдим фақат.
Бугун қайтиб сездим
ноғоҳон:
Ҳасса бўлмай отамизга биз,
Беш ўғлони кетиб беш
томон,
Қўлларига ҳасса тутибмиз.

Тоҳир ДОЛИЕВ.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

ЭЛДА АЗИЗ

Уруш бошланибди, деган машъум хабар тарқалган кезлари Аслон «Ғайрат» колхозининг сут-товар фермасида ҳисобчи бўлиб ишларди. Бўстонлиқ районининг гўзал Хондайлиқ қишлоғида туғилиб вояга етган ўсмир меҳнат фаолиятини бошлаганига ҳали бир йил бўлмасдан Ватан ҳимоясига отланди. Аммо колхоз раиси ҳам, ферма мудири ҳам Аслоннинг хўжаликдан кетишини сира исташмади. Колхозда хат-саводли, ишбилармон йигитлар жуда оз эди.

Гавжум, файз-баракали қишлоқ икки-уч ой ичидаёқ ҳувиллаб қолди. Хўжалик оғирини енгил қилиб турган эркаклар бирин-кетин фронтга отланишди. Барча юмуш қари-қартанг, хотин-халажга қараб қолди. Аслон кечани кеча, кундузни кундуз демай ишларди-ю, барибир кўнгли тўлмасди. Айниқса 1942 йил бошларида қишлоққа бир неча «қора хат» келгач, у раҳбарларга учраб, фронтга юборишларини илтимос қилди.

Ниҳоят йил охирига келиб уни ҳарбий комиссариатга чақиртиришди. Улар тушган эшелондаги йигитларни дастлаб фронт ортидаги шаҳарлардан бирида ҳарбий ўқувдан ўтказишди. Машғулотлар давомида Аслон ҳамқишлоқлари Аълам Шосалов, Саъдулла Йўлдошев билан Хондайлиқни эслаб тонг оттирган кунлари кўп бўлди. Орадан уч ой ўтгач фронтга юборилди.

Аслон Умаров аскарлар орасида зийраклиги, қуролласлаҳаларни жуда тез ўзлаштира олиши билан ажралиб турарди. Шу боис қисқа муддат ичида пулемётчилик сир-асрорларини мукаммал ўрганди. Аммо жангга кириш насиб этмади. Уларнинг қисми Совет—Япон чегарасидаги қўшилма ихтиёрига юборилди.

Уруш тугаб, омон-омон бўлган кезлар эди. Йигитлар бугун-эрта уйга кетиш орзусида юрган кезлари яна уруш бошланди.

— Японлар билан бўлган жанглар худди кечагидай кўз ўнгимда, — дейди Аслон ака. — Жангда қаттиқ жароҳатландим. Ҳарбий госпиталда даволаниб чиққанимда уруш охирлай деб қолганди. Яна ўз қисмимга келиб қўшилдим. Кўп ўтмай душман таслим бўлди. Ғолиблар сафида Ватан тупроғига қадам қўйдим. Аммо уйга қайтиш насиб этмаган экан. 1948 йил баҳоригача чегара қўшинларида хизматни давом эттирдим.

Жангчи йигит она қишлоғига 1 даражали Улуғ Ватан уруши ордени, бир неча жанговар медаллар тақиб қайтди. Ишни соғиниб қолган экан, кўп ўтмай колхоз идорасига борди. Уни механизаторлар курсига ўқишга юборишди.

Ҳалол меҳнат Хондайлиқдан чиққан биринчи трактор чи Аслон Умаровга шоншуҳрат келтирди. Оддий қишлоқ йигити 1957 йили Москвада — Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида иштирок этиб, олтин медаль билан тақдирланди. Мукофот унинг ғайратига ғайрат қўшди. 1964 йилда коллектив аъзолари катта ишонч билдиришиб уни ғаллачилик бригадасига бошлиқ этиб сайладилар.

Бир неча кичик хўжаликлар бирлашиб, Калинин номли колхоз ташкил этилди. Уни коллектив коммунистлари ўзларига етакчи этиб сайладилар. Қарийб ўн йилдирки, собиқ пулемётчи картошкачилик бригадасини бошқариб келаяпти.

У миришкор деҳқон бўлиш билан бирга моҳир ташкилотчи ҳамдир. Шу боис бир неча бор Хондайлиқ қишлоқ Совети депутатлигига сайланган. Бўстонлиқ район партия комитетининг аъзосидир.

Қишлоқ Советининг катта йиғинида депутатлар партия, уруш ва меҳнат ветерани яна бир карра юксак ишонч билдирдилар. У Хондайлиқ қишлоқ Советининг раиси этиб сайланди.

Аслон ака қадрдон қишлоғи бўйлаб кезар экан, уруш бошлангани ҳақидаги машъум хабар тарқалган кезларни бир-бир кўз ўнгига келтиради. 45 йил хаш-паш дегунча ўтиб кетибди. Аммо бугунги дориломон кунларга етиш осон бўлмаганини Аслон ака яхши билади. Шу боис Хондайлиқ одамлари, қатор-қатор уйларию кўчалари, дарахтларию пурвиқор тоғлари унинг учун қадрдон ва муқаддас.

М. ЮСУПЖОНОВА.

Газетхон мулоҳазаси

АМАЛИЙ ИШ БЎЛСИН

Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, социал масалаларни ҳал этиш, қадриятларимизни тиклаш ҳақида кўп гапирамиз-у ўзимиз бунга амал қилмаймиз. Эътибор беринг: ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ярим йилдан ошди. Қарорнинг ижроси қандай бажарилаяпти? Свердлов райони мисолида оладиган бўлсак, ҳануз эски ҳаммом, эски тос. Деярли барча корхона ва муассасаларда, давлат ёки бошқарув идораларида расмий иш қоғозлари рус тилида юритилади. Қишлоқлар, кўчаларнинг номлари, корхона пештоқларидаги битиклар русча ёзиб қўйилган. Буни қаноатли ҳол деб бўлмайди. Наҳотки, давлат тили тўғрисидаги қарор қоғозда қолиб кетаверса?

Икки оғиз сўз жой номлари хусусида. Район ўрамида 17 та жамоа ва давлат хўжаликлари мавжуд. Олтитаси бошқа миллат вакилларининг номи билан аталади. Қолганлари ҳам шунга яқин: «Коммунизм», «Коммунист», «Ленинград», «Авангард», «Партия XXVI съезди»...

Жондор посёлкасини кезсангиз, турли русча исмларга кўзингиз тушади. Кўчаларни номлашда қайси мантиқдан келиб чиқилганлигини тушунолмайсан киши. Қаранг: «Новосёлов», «Проектная», «Азат» ва ҳоказо. Бу ҳам майли-я, баъзан қуюшқондан чиқиб кетаётганга ўхшаймиз. Районимиз, қолаверса, бир жамоа хўжалиги, наслчилик заводи, қишлоқ шўроси, битта мактаб, Жондор посёлкасидаги кўча Свердлов номи билан аталади. Буни қандай тушуниш керак?

Райондошимиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Нарзи Ражабовнинг жасорати кўпчиликка маълум. Бир мактаб ва кўча унинг номига қўйилган. Бундай фидойи инсонлар оз эмас. Уларнинг хотирасини абадийлаштириш, ҳурматларини жойига қўйиш биз тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ю. ТОЛИПОВ.

Саломатлик—туман бойлик

ДАРДИГА ДАВО ТОПДИ

Бу шифо масканига қадам қўйган киши ўзини жаннатга тушгандек ҳис этади. Дов-дарахтлар атрофга соя ташлаган. Бетон ариқчаларда сув шилдираб оқмоқда. Турфа ранг гуллар муаттар ҳид таратади. Ёзги шийпонда гурунг қизғин. Ана, икки йигит шахмат суришаяпти. Кимдир китоб, кимдир газета мутоласи билан машғул. Шифохона бош врачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган шифокор, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси Раҳматулла Камоловни беш қаватли даволаш корпуси олдида учратдик.

— Санаториямиз 1962 йилда ташкил этилган, — дейди у.— Бу ерда баданини чиниқтиришга муҳтож беморлар даволанишади. Улар 2—6 ой, айрим ҳолларда бир йилгача тиббий муолажа олишади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган даволаш хоналари мавжуд. Бу ерда вилоят, жумҳуриятдан ташқари қардош Туркманистондан келган беморлар ҳам даволанишаяпти.

«Шофиркон» меҳнат ва даволаш санаторияси йил сайин кенгайиб бораяпти. Унда ўз касбини ардоқлаб ҳурмат топаётган шифокорлар кўп. Ф. Қўшев, З. Ҳайитова, М. Тиллаева, О. Рўзиева, Д. Рўзиева, Т. Очилова шулар жумласидан. Улар беморларга сидқидилдан хизмат кўрсатишаяпти. Бу ерда ҳар кишининг овқатланиши ва даволаниши учун кунига икки сўмдан сарфланаяпти. Олмоталик архитекторлар лойиҳаси асосида қурилган 200 ўринли ошхонада парҳез таомлар тайёрланмоқда.

«Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарини варақлаймиз:

«Санаторияда даволанган кунларимни умрбод эсдан чиқармасам керак, — деб ёзади Қорақалпоғистон АССР, Чимбой районидаги «Кенес» совхози ишчиси Тўйдик Утеева. — Бу ерда беморлар ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Шифокорлар ҳамиша хизматга тайёр».

Туркманистон ССР, Чоржўй шаҳрининг Маяковский кўчасида яшовчи Атамурод Тажанов бу фикрни тўлдирган:

«Биз даволаниш жараёнида кўнгилли ҳордиқ чиқардик, асабларимизга дам бердик. Уйга яхши кайфият билан жўнаб кетаяпмиз».

Яқинда иссиқхона қурилиши бошланди. У ишга тушгач, даволанувчиларни қишин-ёзин кўкатлар, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланади. Яқин орада ҳамширалик, машинистсалик ихтисоси бўйича курслар очиш мўлжалланаяпти. Даволаниш учун келадиган қиз-жувонлар ана шу курсларда ўқиб, касб ўрганишлари мумкин.

Шифохонада ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Натижа чакки эмас. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайиб, жамоа аъзоларининг рўзғорига барака кираяпти. Улар учун имконият яратилган. Тушда овқатланиш бепул, ишга келиб-кетиш учун транспорт ажратилган. 25 ўринли боғча-ясли бу йил ишга туширилади. Боғча олдида лимонария қуриш, болалар учун «яшил ўрмонча» барпо этиш режалаштирилган. Шифохонада йигирма-ўттиз йил ишлаган ходимларга пенсияга чиқиш олдидан бир йўла 2000 сўмдан ёрдам пули бериш, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш чоралари кўрилаётир.

Бош врач ғаладондан ВЦСПС ҳамда Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломларини олиб, стол устига қўйди. Булар ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлар учун берилган.

— Ҳозирги кунда ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши зарур, — деди Р. Камолов. — Бу борада бизда имконият етарли. Ёрдамчи хўжаликдан катта фойда олаяпмиз.

Йигирма уч гектар майдонда боғ-роғ ва узумзор яратилди. 15000 дона мевали кўчатлар ўтқазилди. Ана шу майдонлар ижарачиларга шартнома асосида бўлиб берилган. Кўчатлар парвариши ҳам улар зиммасида. Боғ ва узумзорлар ҳосилга кирса, ҳар йили 30—40 тонна мева, кўп миқдорда узум етиштириш имкони туғилади. Шу сабабли шифохонада мева шарбати тайёрлайдиган чоғроқ цех қуришга тайёргарлик кўрилаяпти. Эҳтиёждан ортиқ маҳсулотлар аҳолига сотилади. Шу ҳисобдан катта даромад олиш мумкин.

М. НОСИРОВ.

Шофиркон райони.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Бутун ҳаёт давомида донишмандлик баҳш этадиган муҳим бахтиёрлик дўст қалбини топа билишдир.

ЭПИКУР.

Агар тақдир одамга саховат кўрсатиб, дунёдаги энг буюк бахтни тортиқ қилмоқчи бўлса, унга садоқатли дўстлар инъом этади.

Э. ТЕЛЬМАН.

Кимки дунёда ўз дўстлари борлигини билмас экан, дунё ҳам уни билиши шарт эмас.

И. ГЕТЕ.

Чинакам дўстликда саёз одамлар тушунмайдиган жозиба яширинган бўлади.

Р. ЭМЕРСОН.

Табиат ва инсон

ЧЎЛ ГЎЗАЛИ

Саксовулзор оралаб бораяпмиз. Оёғимиз ғумга ботиб, зўрға қадам ташлаймиз. Калтакесагу қурт-қумурсқалар шунчалар кўпки, санаб саноғига етиб бўлмайди. Бизни атрофда юрган антиқа паррандалар, дон илинжида орқамиздан эргашаётган, деярли хонаки бўлиб қолган ҳўшлар ром этган. Жонли табиатга ҳавас билан боқарканмиз, бир чақиримча нарида ўтлаб юрган жайронни кўрдик. Ўн-ўн беш қадам қолганда у бир дақиқа олазарак бўлиб турди-да, олдинга сакради. Ҳуркиб шаталоқ отиб қочди. Кулранг ёввойи эчки бўлса, аксинча, бизни шохламоққа чоғланди.

Бир пайт қай кўз билан кўрайликки, сершох катта саксовул соясида қоплон оёқларини чўзиб, бошини сал кўтарганча ётарди. Қўрқувдан орқага тисарилдим. Шунда кузатувчи таскин бериб: «Қўрқманглар, тегмайди», деди.

Африкага хос бу манзара қаерда экан дерсиз?! Бухоро яқинида. Гап жумҳуриятимизда ягона жайрон кўпайтиришга ихтисослаштирилган парваришхона ҳақида бораяпти. Ўша менга ҳамроҳлик қилган киши парваришхона директори, биология фанлари номзоди Ҳолиқ Салимов.

— Парваришхонамиз 1977 йилда ташкил этилган, — деди суҳбатдошим. — Мақсад табиатда камайиб бораётган, йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолган ҳайвонларни, биринчи навбатда жайронларни сақлаб қолиш, кўпайтириш ва табиат қўйнига қайтариш. 42 та жайрон олиб келинган эди, ҳозир уларнинг сони бир ярим мингтадан ошади. Эҳтимол бундан ҳам кўпдир. Санашни йилда бир марта, октябрь ойида ўтказамиз.

Аслида жайрон етиштиришга ихтисослаштирилган парваришхонага ҳақида бораяпти. Ўша менга ҳамроҳлик қилган киши парваришхона директори, биология фанлари номзоди Ҳолиқ Салимов.

— Парваришхонамиз 1977 йилда ташкил этилган, — деди суҳбатдошим. — Мақсад табиатда камайиб бораётган, йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолган ҳайвонларни, биринчи навбатда жайронларни сақлаб қолиш, кўпайтириш ва табиат қўйнига қайтариш. 42 та жайрон олиб келинган эди, ҳозир уларнинг сони бир ярим мингтадан ошади. Эҳтимол бундан ҳам кўпдир. Санашни йилда бир марта, октябрь ойида ўтказамиз.

Аслида жайрон етиштиришга ихтисослаштирилган парваришхонага кейинги йилларда турли камёб ҳайвонлар, ноёб қушлар олиб келинди. Қоплон ҳозир иккита. Атрофи ўралган жойда яшайди. Ходимларига ўрганиб қолишган. Ёввойи от ва бошқа ҳайвонларни кўпайтириш йўлга қўйилган. Мана, йўрғатувалоқни кўрайлик. Ўрта Осиё чўлларида тухум қўйиб кўпаядиган бу қуш совуқ тушишидан олдин жанубий ўлкаларга кетади. Шароит яратиб, уларни қўлда боқиб кўпайтиришга эришилаяпти. Бу нега зарур бўлиб қолди? Йўрғатувалоқ чиройли, кўзга яқин, катта қуш. Улар қўлга ўрганган.

Бухоро жайрон етиштиришга ихтисослаштирилган парваришхонаси дастлаб ташкил этилганида мамлакатда ягона эди. Ҳозир бундай парваришхоналар Қозоғистон ва Туркманистонда ҳам мавжуд. Бироқ улар жайронларнинг сони ва майдон жиҳатидан кичик. Бухоро яқинидаги парваришхона илмий иш олиб бориладиган тажриба марказидир. Бу ерга илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш учун ҳатто чет эллардан ҳам мутахассислар, олимлар, табиат ихлосмандлари келишаяпти.

Парваришхона 5145 гектар майдонни эгаллаган. Жайронлар сони йил сайин кўпайиб бораяпти. Мавжуд майдон эса торлик қилиб қолди. Шу боис парваришхонани кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Кимки, чўл гўзали — жайрон каби жонли табиатнинг ноёб дурдонасини кўрмоқчи бўлса, парваришхонага ташриф буюрсин. Бу ердаги ажойиб манзара ҳар қандай кишини ром этади.

И. НОРМАТОВ,
журналист.

СПОРТ ахборот

ФУТБОЛ

Мамлакат биринчилиги гуруҳларида илк давра ўйинлари бирин-кетин ниҳояланмоқда. Иккинчи лигада ҳам (шарқий зона) айрим командалар дастлабки довонга етдилар. Масалан, 12 коллектив ўйинлар жадвалида белгиланган учрашувларнинг ҳаммасини (21) ўйнаб бўлди. Улар ўртасида Чимкентнинг «Мелиоратор», Наманганнинг «Навбаҳор», Эки бастузнинг «Экибастузчи» клублари бор. Айни шу командалар биринчи даврадан сўнг илк довонга етиб, иккинчи лиганинг шарқий зонасида дастлабки уч ўринни эгаллаб турибдилар. Биринчи ўринда бораётган чимкентлик футболчилар жамғармасида 27 очко бор. Наманганлик чипор тўп усталари эса улардан бир очко кам тўплашган. Иккала коллектив ҳам охирги турда ютказиб қўйди. Масалан, «Мелиоратор» Павлодарда маҳаллий «Трактор» командасидан енгилди (1:2). Сафарда ўйнаган «Навбаҳор»нинг ҳам омади келмади. Наманганлик футболчилар Омскда маҳаллий «Иртиш» командаси билан учрашиб, йирик ҳисобда (0:3) ютказдилар.

Ҳар йили зона баҳсларининг ғолиби бўлиб, биринчи лигага чиқиш учун курашадиган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси ҳозирча бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, ҳамюртларимиз рақибларига нисбатан кам ўйнашган. Улар ҳисобида кечиктирилган икки учрашув бор. «Нефтяник» эса 24 очко тўплаган. Демак, ана шу кечиктирилган икки учрашувни муваффақиятли якунлаган тақдирда биринчи ўринга чиқиб олиши мумкин.

Шарқий зонада жумҳуриятимиз шарафини ҳимоя қилаётган командаларимиз ўртасида Навоийнинг «Зарафшон» командаси билан Андижон спартакчилари яхши ўйнашмаяпти. Улар 21 коллектив орасида охирги икки ўринда бормоқдалар. Тўғри, андижонлик футболчилар аҳволни ўнғлаб олишлари мумкин. Бунинг учун улар кечиктирилган уч учрашувни муваффақиятли ўтказишлари лозим.

Умуман олганда шарқий зонада 13 та учрашув кечиктирилган. Улар ўтказилгандан кейин ўйинлар жадвалида сезиларли ўзгаришлар бўлиши турган гап.

ШАХМАТ

Филиппин пойтахти Манилада тугаган зоналараро мусобақанинг охирги туригина ишқибозларни қизиқтирган саволга жавоб берди: даъвогарлар матчида қатнашадиган шахматчилар аниқланди. Львовлик халқаро гроссмейстер Василий Иванчук бир тур қолганда бу ҳуқуқни қўлга киритганди. Охирги учрашувни таллиннлик Яан Эльвест билан ўйнаб, уни 59-юришда мағлуб этган Борис Гельфанд ҳам Иванчук қаторидан ўрин олди. Иккала шахматчимиз тўқ қизатадан очко тўплади.

Охирги турда пешқадам билан дуранг ўйнаган ҳиндистонлик Висванатан Ананд ҳамда Михаил Гуревич устидан ғалаба қозонган англиялик Найжел Шорт улардан ярим очко ортда қолиб, икки йўлланмага эга бўлишди.

Саккиз очко етти шахматчи учун марра бўлди. Улар ўртасида мамлакатимиз шахматчиларидан Сергей Долматов, Александр Дреев, Леонид Юдасин ҳам бор.

Шундай қилиб, беш совет шахматчиси даъвогарлар мусобақасига йўлланма олди.

Муҳаррир
А. Ғ. МУХТОРОВ.

Ойнаи жаҳонда

20 ИЮЛЬ, ЖУМА

● УзТВ I

11.30 «Театрдан икки қадам нарида». Телефильм.
12.00 «Рақс жилолари». Фильм-балет.
13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Дала ҳовли». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
Қувноқ ўтсин таътиллар
18.10 «Қум соат». Мультфильм.
18.20 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
19.00 «Ҳуқуқ ҳаётимизда».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Футбол чорраҳаларида».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Одобнома».
21.10 Танбур ва дутор тароналари.
21.45 «Фильм суратга олиняпти». Ҳужжатли фильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Унутилмас сатрлар». Хўжа Аҳмад Яссавий.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 Ҳужжатли фильмлар экрани.
19.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар» (рус тилида).
19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шаҳар юмушлари ва ташвишлари».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Сурудхон мавриги». Мусиқий программа.
21.50 Киноолавҳа.
22.00 «Оҳанги зиндаги». Публицистик кўрсатув.
23.20 «Ҳинд киноси шинавандаларига». Икки серияли фильм-концерт.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
8.50 «Андроников сўзи. «Нева проспекти». Телевизион фильм.
9.50 «Курорт шаҳарча». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск).
10.05 А. Миронов номли актёрлар қўшиқлари конкурси.
10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Шостакович номли Давлат квартети чалади.
15.25 Болалар учун фильм. «Питер Пэн». 2-серия.
16.35 «...Ерқин из қолдираман». А. Тўқай ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
17.20 Шеърият лаҳзалари.
17.25 «Шов-шувдан сўнг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Москва вилояти «Правда» шўро хўжалигида ижара пудратининг жорий этилиши ҳақида («Экран»).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Нотаниш Болгария». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи И. Кудрин олиб боради.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 «Кулги кечаси».
23.35 «Гирдоб». А. Барикин ўз қўшиқларини ижро этади.
24.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.45 «Етти қадам». Ўз уйида қўғирчоқ театри ташкил этган Людмила ва Валерий Комиссаровлар ҳақида ҳужжатли фильм.
8.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
8.30 Қишлоқ хўжалигида ўғрилик ва қўшиб ёзишлар ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
8.50 Болалар учун фильм. «Кўҳна қалъа». 7-серия.
9.55 «Кема қаёққа сузмоқда». Ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»).
10.50 «Биродарлар, рус шон-шавкатини эслайлик». Москва ҳарбий округи ансамбли иштирокида мусиқий программа.
11.25 «Бу озодлик». Кооператив ҳаракат ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск).
11.55 «Кечки ҳосил». Бадиий фильм.

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Светозарье оқшомлари» (Киров шаҳри).
16.55 «Ғаройиб бочка». Мультфильм.
17.05 «Хайрихоҳ» ва «қаршилар». Мактаб ва маданият.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Оқ ой байрами». Читадан кўрсатилади.
18.45 Рок-н-ролл бўйича халқаро мусобақалар.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз».
19.45 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
20.25 «Эртанги кун режалари ёки шайтон ғилдираги». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Нижнекамскшина» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ва унинг раҳбари Н. Я. Қодиров ҳақида (Қозон).
20.55 Санъат усталари — поляк қўшиқлари II Бутуниттифоқ фестивали ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг концерти. Витебскдан кўрсатилади.
22.55 Яхши ният ўйинлари. Волейбол. Хотин-қизлар. Перу — ХХР терма командалари. АҚШдан олиб кўрсатилади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р.—04693. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1228. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12